БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 6 март Сешанба
№ 45 (13.481) Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

Долзарб мавзу

Ҳозирги жамиятда аёлнинг ўрни

Ўзбекистонда хотин-қизлар аҳволини яхшилаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш Программасини ишлаб чиқишга киришилди. Бу ишда иқтисодиёт ва соғлиқни сақлаш, ижтимоий сиёсат ва маданият соҳаларининг, министрлик ва идораларнинг етакчи мутахассислари иштирок этишмоқда.

ЎзТАГ мухбири Н. Полянскаянинг Программанинг асосий йўналишларига доир саволларига Ўзбекистон ССР Министрлар Совети хотин-қизлар, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишлари бўлимининг мудири О. С. АББОСОВА жавоб беради.

—Ойдин Солиҳовна, давлат Программаси қандай муаммоларни кўзда тутиб, ҳал этади ва қайси муддатда бу Программа амалга оширилади!

— Бугунги кунда хотин-қизларнинг аҳволини яхшилаш масаласи устун йўналишга эга бўлиб бормоқда, бу эса тасодифий эмас. Оила билан, жамиятда хотин-қизларнинг ўрни, меҳнатни, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари билан боғлиқ кўпгина ижтимоий муаммолар ҳақида узоқ вақт лом-мим дейилмади. Бизнинг кўпгина иллатларимизнинг сабаб ва оқибатлари шунда эмасмикан?

Афсуски, бизда хотин-қизлар билан эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги тўғрисидаги шиорий сийқа тушунча таркиб топди. Амалда эса мутлақо бундай эмас. Боз устига, аёллар ишлаб чиқаришда эркаклар билан баббаравар меҳнат қилишмоқда, она, уй бекаси, рафиқа бўлишдек кўпдан-кўп мажбуриятлар улар зиммасида. Ўзбекистоннинг кўп болали оилаларнинг аксарияти яшайдиган қишлоқ жойларида энг оддий турмуш шароитининг йўқлиги аёлларнинг қарамлигини янада кучайтиради, унинг ва фарзандларининг соғлиғини заифлаштиради. Шунинг учун ҳам жумҳуриятимизда оналар ва гўдаклар ўлими ҳамон юқори даражада эканлиги бежиз эмас. Хотин-қизларнинг ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилиши билан бирга оилага тегишли ижтимоий-маиший шароит яратиб берилмаётганлиги ачинарлидир. Бизда ҳамон болалар боғчалари, тиббий муассасалар, нонвойхоналар, дўконлар, ҳатто ҳаммомлар етишмаяпти.

2005 -йилгача мўлжалланган узоқ муддатли давлат Программаси ана шу муаммоларнинг ҳаммасини қамраб олади. Мазкур Программа келгуси йилданоқ амал қила бошлайди. Программа хотин-қизларнинг ҳозирги жамиятда ижтимоий ҳимояланиши боғлиқ бўлган асосий муаммоларни ҳал этишни таклиф қилади. Бу — ижтимоий ишлаб чиқаришда оқилона банд бўлишни, меҳнатни ва соғлиқни муҳофаза қилиш, тегишли маиший қулайликларнинг, айниқса, чекка жойларда вужудга келтирилишини ва албатта, болаларни нормал тарбиялаш учун шарт-шароитларнинг яратилишини билдиради. Программада оилаларга давлат йўли билан пул ва уй-жой, тиббий ва маданий ёрдам бериш кўзда тутилган. Қишлоқ жойларда ижтимоий инфраструктурани ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муаммоси Программада катта ўрин эгаллайди.

— Сиз Программа ҳақида умумий тушунча бердингиз, булар истиқболдаги масалалар. Лекин муштарийларни хотин-қизларнинг аҳволини яхшилаш борасида бугунги кунда кўрилаётган конкрет чора-тадбирлар қизиқтирмоқда. Айтайлик, ишлаб чиқариш соҳасида, бошқа масалаларда қандай реал қадамлар қўйилди!

— Ўзбекистонда ишга жойлаштириш муаммоси — энг ўткир муаммолардан биридир. Бугунги кунда меҳнатга яроқли ёшдаги аёлларнинг атиги 57 фоизи жумҳурият халқ хўжалиги тармоқларида банд, айни вақтда мамлакатда бу кўрсаткич 90 фоизни ташкил этади. Рақамлар масаланинг моҳиятини кўрсатиб турибди. Ҳозирги вақтда жумҳуриятда қарийб 9 миллион киши, ёки бутун аҳолининг 45 фоизи қашшоқлик даражасидан ҳам ёмон аҳволда яшамоқда. Ишлашни истаётган аёлларни иш билан таъминлаш масаласи биз учун ижтимоий-сиёсий масалагина бўлиб қолмай, шу билан бирга иқтисодий тус олмоқда. Туғилиш даражаси юқори бўлган қишлоқ жойларда иш билан таъминланиш, айниқса, ташвишли аҳволда. Болтиқбўйи жумҳуриятларидаги оилаларда 1—2 нафардан бола бўлса, бизда 6—7 нафардан бола бор. Турмуш даражасидаги бунчалик катта тафовут ҳам ана шундан келиб чиқади, чунки неъматларни катта оилада тақсимлашга тўғри келади-да.

— Бу муаммолардан қандай чиқиш мумкин!

— Программада қишлоқ жойларда янги иш ўринлари — тикувчилик ва трикотаж фабрикаларининг филиалларини тузиш, касаначилик кенг тармоқларини ташкил этиш кўзда тутилган. Ҳозирги вақтда жумҳуриятимизда қарийб 20 минг касаначи бўлиб, ана шундай жадвалда меҳнат қилишни истовчилар эса неча ўн минг кишидир. Афсуски, касаначиликни ривожлантиришни орқага тортувчи сабаблар бор. Бу моддий-техника таъминотидаги мураккабликлардир — тикув ва тўқув машиналари, хом ашё ва материаллар, эҳтиёт қисмлар ва бошқа асбоб-ускуналар ниҳоятда етишмайди. Биз СССР Министрлар Советига қишлоқ хотин-қизларини касаначиликка янада кенгроқ жалб этиш учун ана шундай ускуналар ва хом ашёларни қўшимча равишда ажратиб беришларини сўраб, мурожаат қилдик.

Айни бир вақтда мамлакат ҳукумати олдига даладаги барча қўл меҳнатига тўланадиган ҳақни ошириш масаласини қўйдик. Бугунги кунда жумҳуриятнинг аграр секторида 800 мингдан ортиқ хотин-қиз машғул бўлиб, улар қишлоқ хўжалигидаги қўл меҳнатининг деярли барчасини бажарадилар. Дала ишларига жуда оз ҳақ тўланади, бу иш эркаклар учун нуфузли эмас. Бундай «меҳнат тақсимоти»нинг натижалари аянчлидир. Тиббий текширувлар шуни кўрсатдики, пахтага қўлда ишлов бериш ва уни қўлда териб олиш ёш аёл организмида жуда нохуш ўзгаришларга олиб келади.

Ижтимоий инфраструктура ниҳоятда паст даражада ривожланганлиги туфайли ҳам қишлоқ жойларда хотин-қизларнинг аҳволи мураккаблашган. Шу кунгача кўпгина аҳоли пунктларида ташиб келтириладиган сувдан, артизиан қудуқлардан, кўпинча эса ариқлардан фойдаланадилар. Қишлоқ аҳоли пунктларининг атиги бир фоизи канализация тармоқларига эга, қишлоқликлар уйларининг атиги 14,5 фоизи газлаштирилган. 3500 дан ортиқ қишлоқ аҳоли пунктлари соғлиқни сақлаш ва савдо муассасаларига муҳтож. Медицина кадрлари билан таъминланганлик даражасига кўра, Ўзбекистон Иттифоқда охирги ўринлардан бирида турибди. Мен кечиктирмай ҳал қилинадиган муаммоларнигина санаб ўтдим.

— Лекин уларни ҳал этиш учун жуда катта капитал маблағлар талаб қилинади. Бу маблағларни қаердан олиш керак!

— Тўғри, бу жўн масалалар эмас, албатта. Уларни дарҳол ҳал этиб бўлмайди. Аммо баъзи бир нарсаларни шу бугуноқ амалга ошириш мумкин. Шу йилнинг ўзидаёқ кам таъминланган оилалар ва ҳомиладор аёлларга, бошланғич синфларнинг ўқувчиларига, ногиронлар ва қарияларга, студентлар ва маориф, маданият, соғлиқни сақлаш ходимларига ёрдам бериш учун давлат, партия маблағлари ҳамда бошқа бюджетлар ҳисобидан бир миллиард сўмдан ортиқ пул ажратилди.

Хусусан, оналарга турли тўловлар ва имтиёзлар учун анчагина маблағ берилмоқда. Бу йилги планда 1-5-синфларнинг ўқувчиларига бепул нонушта уюштириш учун 64,4 миллион сўм, камқонлик касалига дучор бўлган ҳомиладор аёлларга озиқ-овқат ва дори-дармонлар бериш учун 36,6 миллион сўм, болани парвариш қилиш учун қисман ҳақ тўланадиган отпускани бола бир ярим ёшга етгунига қадар кўпайтиришга 110 миллион сўм пул ажратиш кўзда тутилган.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш масалалари ҳал этилишини кутиб турибди. Кўп болали оилаларнинг аксарияти истиқомат қиладиган қишлоқ жойларда соғлиқни сақлаш оилавий врачлар ва медицина ҳамшираларининг хизматини ташкил этиш йўлида ривожлантирилиши кераклигига ишончим комил. Бу борада Фарғона водийси қишлоқларида дастлабки тажриба орттирдик. Бу йил кўп болали оилаларга (10-15 оилага битта ҳамшира) хизмат кўрсатиш учун патронаж меҳр-мурувват ҳамширалари хизмати тузила бошланди. Хизматни жумҳурият қизил ярим ой жамияти йўлга қўйди. Бу йил беш юз нафар патронаж ҳамшира тайёрланади. Жумҳурият ҳукумати бу ташаббусни қўллаб-қувватламоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан жумҳурият Министрлар Советининг ер участкалари ажратиб бериш тўғрисидаги қарори оила фаровонлиги ҳақида алоҳида ғамхўрлик бўлди. Бу қарор жумҳурият ҳамда ҳар бир оиланинг иқтисодий аҳволини анча яхшилайди. Пахта тайёрлаш планининг камайтирилиши муносабати билан боғдорчилик-полизчилик экинлари майдонларини кенгайтириш, уларни қайта ишлайдиган янги корхоналар яратиш имконияти вужудга келди. Бу йил оилалар шахсий ёрдамчи хўжаликлар учун 25 сотихгача ер олдилар. Буларнинг ҳаммаси аёлларнинг иш билан таъминланишини ошириш, оилаларнинг овқатланиши, айниқса, чорвачилик маҳсулотлари, ҳўл мева ва сабзавот истеъмол қилишини яхшилаш имконини беради.

— Яқин келажакда қандай ишлар бажарилади!

— Биз мамлакат ҳукуматига мурожаат қилиб, аёлларимизнинг бошқа муаммоларини ҳам ҳал этиб беришларини илтимос қилдик. Масалан, очиқ жойларда қишлоқ хўжалигида бажарилган қўл меҳнати учун белгиланадиган ҳақнинг оширилишини сўрадик. Бу эса эркакларнинг ана шу ишларга жалб этилиши, аёлларни қуёш тиғи остида оғир меҳнат қилишдан халос этиш имконини беради. Иттифоқ ҳукуматимиз олдига болалар озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришни кўпайтириш ва ана шундай маҳсулотларни ўзимизда, маҳаллий хом ашё ҳисобига ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун машина-ускуналар ажратиб бериш масалалари ва бошқа кўпгина масалалар қўйилди.

Айрим муаммоларни келгусида ўз кучимиз билан ҳал этиш мумкин, деб ҳисоблайман. Жумҳуриятимиз ҳукумати қишлоқларда янги болалар боғчалари ва мактаблар, касалхоналар, ва маиший хизмат комбинатлари қуришни режалаштирди. Маҳаллий хом ашёда қишлоқдаги кичик консерва заводлари ва тикувчилик устахоналари, трикотаж фабрикаларининг филиаллари ишлайди. Меҳнат коллективларининг кенгашлари, корхона раҳбарлари хотин-қизларга эътибор билан муносабатда бўлган жойларда уларнинг масалалари доимо ижобий ҳал этилмоқда. Янгийўл боғдорчилик-узумчилик комплекси, Қўқон шаҳридаги «Большевик» заводи ва «Водоканал» Тошкент тресть, Сурхондарё вилоятининг Денов ноҳиясидаги Собир Раҳимов номли колхоз ҳамда Наманган вилоятининг Уйчи ноҳиясидаги «Қизил работ» совхози, бошқа бир қанча корхоналар ва хўжаликлар бу соҳада яхши тажриба орттиришган.

Иттифоқ бўйсунувидаги корхоналар ҳам хотин-қизлар муаммоларини ҳал этишда бизга ёрдам берадилар, улар мудофаа соҳасидаги корхоналар фаолияти ўзгараётган шароитда хотин-қизларнинг рўзғор ишларини енгиллаштирадиган техникани ишлаб чиқаришлари лозим.

— Биз ажойиб баҳор байрами арафасида сиз билан учрашдик. Ўзбекистон хотин-қизларига сизнинг қандай истакларингиз бор!

— Мамлакатимиз оғир кунларни бошидан кечирмоқда. Менимча, ҳозирги вақтда сабр-тоқат билан мамлакатимизга ва жумҳуриятимизга вақтинчалик қийинчиликларни енгишда, умумий хонадонимизни сақлаб қолишда, унинг вайрон бўлишига йўл қўймасликда ёрдам бериш энг муҳимдир. Доно, меҳр-муҳаббатли ва сабр-тоқатли аёлларимиз бунинг уддасидан чиқади. Бизнинг кўп йиллик тарихимизда бунинг ажойиб намуналари бор. Сизга эзгулик, бахт-саодат ва эсон-омонлик тилайман.

Жумҳурият янгиликлари

◆ ТЕРМИЗ ноҳиясидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозида араб ёзувини ўргана бошлашди. Бу ерда 25 киши пулли курсларга қатнаяпти. Ўқитиш жумҳурият «Билим» жамиятида ишлаб чиқилган махсус программа асосида олиб борилмоқда. Машғулотларни Тошкент дорилфунунини битириб чиққан филолог-шарқшунос Э. Ҳантов ўтказмоқда. Жуда кўпчилик араб имлосини ўрганиш истагини билдирди. Шу курсни ташкил қилишда ташаббус кўрсатган ноҳия «Билим» жамияти бошқа хўжаликларда яна учта ана шундай группа очишни режалаштирмоқда.


• • •

ДАРДОҚ қишлоғида Ильич ноҳиясидаги тикувчилик фабрикасининг филиали очилди. Бу ерда 200 нафар хотин-қиз иш жойига эга бўлди. Кечаги уй бекалари энди болалар учун кўйлакчалар тикишяпти. Уларни бу ишга асосий корхонада ўргатишди. Яқин вақт ичида яна эллик нафар хотин-қиз ишга олинади.

— Деҳқонча қишлоғида яна бир филиал очилади, — деди фабрика директори Б. Исмоилова. — Ҳозир ускуналарни ўрнатиш ва синаш ишлари тугалланяпти, ишчи аёллар нормал меҳнат қилиши ва дам олиши учун шароит яратиляпти. Бу ерда ҳам 250 киши меҳнат қилади. Улар бизнинг фабрикамизда стажировкадан ўтишди.

Андижон вилояти.
(ЎзТАГ мухбири).

Танишинг: ВЛКСМ XXI съезди делегати



Сайёра Тошкент вилоятининг Бекобод ноҳиясидаги Т. Шевченко номли 6-ўрта мактабда таҳсил олади. Уни тенгдошлари Ленин комсомолининг XXI съездига делегат қилиб сайлашди. Сайёранинг комсомол ҳақида ўз фикрлари, қарашлари бор. Москвада ўтадиган олий анжуманда ҳам шу ҳақда гапириш ниятида.

СУРАТДА: Сайёра Салимбоева.

«Мен тонгни куйлайман...»

«Истеъдодим, қалбим сизларга! Мен тонгни куйлайман!» Ўзбекистон Халқ шоираси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Зулфия ўз таржимаи ҳолини ана шу шеърий мисралар билан ниҳоясига етказди. Мана шу баҳорнинг дастлабки кунларида жумҳуриятимиз жамоатчилиги, шеърият ихлосмандлари шоира туғилган куннинг 75 йиллигини нишонламоқдалар. Шу кунларда Зулфия опанинг хонадони ҳар қачонгидан ҳам гавжум, қаёққа қараманг баҳор гуллари. Севимли шоирамиз ўзининг табаррук ёшини ижодхонасида нишонлашга аҳд қилди. Тантаналардан воз кечди. Лекин халқимиз ардоғида бўлган Зулфия опани ўқитувчилар, талабалар, қаламкаш дўстлари, ёш адиблар, шоира ижодининг мухлислари шонли сана билан табриклагани пайдар-пай келиб турибдилар. Бошқа жумҳуриятлардан, СССР Ёзувчилар уюшмасидан, Ленин мукофотлари комитетидан, хориждан кўпдан-кўп табрикномалар келиб турибди. Зотан, Ҳиндистон, Миср, Вьетнам, бошқа кўп мамлакатларнинг китобхонлари Зулфия ижоди билан яхши танишдирлар. Шоира СССР Давлат мукофоти, Жавоҳарлал Неру номидаги халқаро мукофот билан тақдирланган. Тинчлик ва дўстликни куйловчи шеърий асарлари учун, Африка-Осиё тараққийпарвар адиблари ҳаракатида фаол иштироки учун унга «Нилуфар» халқаро адабий мукофоти ҳам берилган.

Зулфиянинг дастлабки китоби — «Ҳаёт саҳифалари» тўплами қарийб 60 йил муқаддам китобхонлар қўлига теккан эди. Ўшандан бери элликдан ортиқ шеърий жилдлар нашр этилди. Зулфия ўзбек китобхонларини классик адабиётнинг энг яхши намуналари ҳамда қардош жумҳуриятлар шеърияти билан ошно қилиш учун кўп куч-ғайрат сарфлади.

Зулфияни қачонлардир, эллигинчи йилларнинг ўрталарида шеърларида мунг бўлганлиги, «Ахматова нафаси келиб турганлиги» учун танқид қилишганида, у бунга жавобан: «Менга бундан ортиқ мукофот йўқ» деб айтган эди. Зулфия бугун ҳам ўз севимли шоирасининг шеърларини ўзбек тилига ўгириш учун кўп вақт сарфламоқда.

Зулфия ўттиз йилдан ортиқроқ вақт давомида жумҳурият хотин-қизларининг «Саодат» журналига бошчилик қилди. Ҳозир шоира қизғин ижод билан машғул. Уни жумҳуриятимизнинг турли гўшаларида, шеърий сатрларининг қаҳрамонлари — хотин-қизлар орасида муттасил учратиш мумкин.

— Шеър қоғоз билан юзма-юз бўлганидагина ёзилади, лекин улар қайноқ ҳаёт орасида юзага келади, — дейди Зулфия. — Инсон, унинг ишлари, орзу-ўйлари шеъриятнинг қалбидир. Мен одамлар орасида эканлигимдан, илҳом менга доимий ҳамроҳ бўлганидан бахтиёрман.

Э. ТУХВАТУЛЛИНА,
ЎзТАГ мухбири.

Мавзуга қайтиб

Комсомол керакми?

«Комсомолни тугатиб, ўрнига янги ташкилот тузиш керак», «Комсомол инқирозга учради», деган фикрлар мени ўйлантириб қўйди. Назаримда жойлардаги қўмиталар иши сифати улар олиб бораётган ғоявий-сиёсий ишларнинг саёзлиги, қуруқ ваъдалар шундай фикрлар туғилишига олиб келди. Комсомолга ташкилот сифатида қизиқиш йўқолиб бормоқда. Нега шундай?

Жумбоқлар кўп. Жавоблар-чи? Улар ҳам. Шулардан бири йиллар давомида комсомол «юқорига» зинапоя вазифасини ўтади. Баъзилар маълум «муддат»ни ўташ учун ишладилар, холос.

5 январь куни газетангизда Гулираъно Маткаримова суҳбати берилди. У вилоят комсомол қўмитасининг бекор қилинишини таклиф қилади. Мен бу фикрга қўшилмайман, чунки «вилоят қўмиталари маълумотномалар йиғиш билан шуғулланишади, холос», дейилган. Ахир вилоят миқёсида қанчадан-қанча тадбирлар амалга оширилади, юқори ташкилотларга мурожаат масалалари, методик кўрсатмалар ва ҳоказолар. Яна шуни қайд қилиш лозимки, ноҳиялар ёшлар бирлигини фақатгина вилоят комсомол қўмиталари, вилоят қўмиталари бирлигини Марказқўм ҳал қилиши тажрибаси давр синовидан ўтган. Вилоят комсомол қўмиталари бўлиши лозим, фақат уларнинг аппарат ходимларини ҳамма жойда 50 фоизгача қисқартириш лозим, деб ўйлайман. Аппарат ходимлари маошига келсак, бугунги кунда Марказқўмнинг ҳам, вилоят қўмиталарининг ҳам ноҳиялар жамғармасига муҳтожлиги камаймоқда.

Бугунги кунда баъзида иқтисод билан шуғулланиб «комсомол сиёсатни қўйиб, иқтисод билан шуғулланиб кетди», деган фикрлар ҳам пайдо бўлди. Йўқ мен бу фикрга ҳам қўшилмайман. Бу иш билан фақат бир нечта бўлимдан биттасигина шуғулланади, холос. Бугунги кунда комсомол аъзосининг ўзи тўлаган аъзолик бадалидан ва бошқа тушумлардан манфаатдорлигини амалга оширишимиз керак. Бунинг йўли битта: қўмиталар ҳузуридаги хўжалик ҳисобидаги ташкилотларни кўпайтириш лозим. Комсомолда «ҳокимият» масаласига келадиган бўлсак, аллақачон бошланғичлар ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланмоқдалар, фақатгина етакчилар ҳар томонлама билим савиясига эга бўлишлари, жойларда назорат иши тўғри йўлга қўйилмоғи лозим.

Комсомол аъзосининг ҳисоб варақаларини йўқотиш ҳақидаги ўртага ташланаётган таклифлар ўйлантириб қўяди. Хўш, маъқул, деб йўқотилса, нимага эришамиз?

Яшаш жойи бўйича комсомолларни ҳисобга олиб бориш (гражданлик паспортига ўхшаш) менимча ҳеч қандай силжишга олиб келмайди. Сабаби, ахир асосий иш комсомоллар ишлаб турган ташкилотларда олиб бориладику! Бу шунга келиб тақаладики, ташкилот, умумий хўжалик ва давлат хўжаликларида комсомоллар ҳисобини олиб бориш ҳам умумий ҳолда кадрлар бўлимига қонун йўли билан юклатилсагина, тўғри бўлиши мумкин.

Кароб ШОМУРОДОВ,
Бухоро вилояти Қоракўл ноҳияси комсомол қўмитаси биринчи котиби.

Хайрли ишдан четда қолманг!

АЗИЗ БИРОДАРЛАР! Меҳридарё, саховатли юртдошлар! Шу йил 21 март куни бутун Шарқ мамлакатларида бўлгани каби она диёримизда ҳам Наврўз халқимизнинг миллий байрами сифатида кенг нишонланади. Наврўзи-олам дала меҳнаткашларининг энг муқаддас маънавий мероси бўлиб, у авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Ота-боболаримиздан қолган анъанага кўра, шу куни бутун халқ карнай-сурнай садолари остида катта сайл ўтказади. Шаҳар ва қишлоқларда, қиру-адирларда баҳор юмуши бошланади.

Наврўз — янги кун демак. Қут ва барака йилининг биринчи куни. Ана шу куни Ўзбекистон телевидениеси Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитаси, Ўзбекистон ССР Қизил Ярим ой жамияти, Владимир Ильич Ленин номидаги Совет болалар жамғармасининг Ўзбекистон бўлими, «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси, Тошкент шаҳар «Меҳрибонлик» жамияти билан ҳамкорликда жумҳурият «Наврўз» жамғармасини ташкил этади ва узлуксиз телевизион кўрсатувлар намойишини ўтказади.

Бундан кўзланган мақсад жумҳуриятимиз жамоатчилиги диққатини болаларни ҳимоя қилишга қаратиш, қариялар, беморлар, ногиронларнинг турмуш шароитини яхшилаш, табиий офатлар, турли бахтсиз ҳодисалар туфайли яқинларидан жудо бўлган, бева қолган, ёлғиз кишиларга ғамхўрлик қилиш, уларни ҳам маънавий, ҳам моддий қўллаб-қувватлашга сафарбар этишдан иборатдир.

Шунингдек, «Наврўз» жамғармаси ташкилий ҳайъати адолатсизлик қурбонларининг бевалари, фарзандлари, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ногиронлари, Афғонистонда хизмат қилган аскарлар, туғма ва оғир хасталикларга дучор бўлган кишилар соғлиғи ҳақида ғамхўрлик қилиш ва ёрдам кўрсатишдан иборат. Шу боис «Наврўз» жамғармаси ташкилий ҳайъати жумҳуриятимизнинг корхона, муассаса жамоаларига мурожаат қилиб, бу хайрли ишда ўз маблағлари билан баҳоли-қудрат ёрдам беришга уларни даъват этади.

Наврўз байрами баҳонасида халқимизнинг энг яхши анъана, урф-одатлари, тили ва маданий меросини ривожлантиришга, одоб, ахлоқ ва маънавий руҳиятини кўтаришга энг кўп ҳисса қўшган жамоаларни, ибратли маҳаллаларни, ҳалол меҳнати билан эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган кишиларни тақдирлайди ва уларни узлуксиз ўтказиладиган Наврўз кўрсатувига таклиф этади.

Узлуксиз телевизион кўрсатув ёрдамида йиғилган «Наврўз» жамғармаси жумҳуриятимизнинг ўз ихтиёрида қоладиган ягона маблағдир.

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР! Сизларнинг «Наврўз» жамғармасига қўшган ҳиссангиз асрлардан-асрларга, насллардан наслларга, халқ саховати ибрати сифатида мерос бўлиб қолажак.

Хайрия-эҳсонларингизни баҳоли-қудрат жумҳурият «Наврўз» жамғармасига ўтказишингиз мумкин.

Манзилгоҳимиз: Тошкент-11, Навоий кўчаси 69, Ўзбекистон телевидениеси, телефонлар: 41-07-52, 41-92-53; 39-41-83 (Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитаси) Тошкент шаҳар турар-жой банки.
Ҳисоб счёти № 005700007
Код № 73027.

ЖУМҲУРИЯТ «НАВРЎЗ» ЖАМҒАРМАСИ ВА УЗЛУКСИЗ ЎТКАЗИЛУВЧИ ТЕЛЕВИЗИОН КЎРСАТУВ ТАШКИЛИЙ ҲАЙЪАТИ.

Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитаси котиблар Кенгаши жумҳуриятимизда бошланган бу хайрли ишни қизғин маъқуллайди ва унда Ўзбекистонимизнинг барча комсомол ташкилотлари фаол иштирок этади, деб умид қилади. Бунинг учун комсомол фаоллари ўзлари яшайдиган жойларда ва меҳнат қиладиган корхона, ташкилот ҳамда хўжаликларда шу йил 21 март куни бўладиган «Наврўз» жамғармаси узлуксиз телекўрсатувининг мақсадлари ҳақида кенг тарғибот ишлари олиб боришлари лозим. Наврўзи-олам келадиган кунгача ёҳуд ўша куни корхона, ташкилот, хўжаликлар ва ёшларнинг шахсий жамғармаларидан «Наврўз» хазинасига хайру-эҳсон маблағлар ўтказишни уюштиришни, ўтказилган маблағлар ҳақида Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитасига (телефон рақамлари: 39-17-00, 39-17-38, 39-14-43) дарҳол маълум қилишни, саховат кўрсатган эзгу ниятли кишиларни эса Тошкентга, Наврўз узлуксиз телекўрсатувида қатнашиш учун юборишларини сўрайди.



Синов дамлари

Бутун мамлакатимизда бўлгани сингари жумҳуриятимиз иқтисодиётида ҳам жиддий синов дамлари бошдан кечирилмоқда. Ишлаб чиқариш суръатларини ошириш, меҳнат унумдорлигини юксалтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш сингари кун тартибига қўйилаётган қатъий талаблар борки, уларни зудлик билан барқарорлаштириш лозим. Бусиз олға силжиш мутлақо мумкин эмас.

Самарқанд вилояти ва шаҳри саноат корхоналари янги йилни илдам суръатлар билан бошлашган эди. Янгича иқтисодий шароитда фаолият юритаётган завод ва фабрикаларда муайян ютуқлар қўлга киритила бошлади.

26 Боку комиссари номли шойи ишлаб чиқариш бирлашмаси шулар жумласига киради. Корхонанинг 3-тўқув цехи илғор тўқувчиси, ВЛКСМ аъзоси Моҳира Мўминова (суратда) сингари пешқадам ёшлар ибрати туфайли асосий иқтисодий кўрсаткичлар муваффақиятли уддаланмоқда. Моҳира учта дастгоҳини моҳирлик билан бошқариб, смена топшириғини 103 — 105 фоиздан-га бажаришга эришаётир. Шунинг қувончлики, у пландаги 76 ўрнига 80 — 85 фоиз маҳсулотни биринчи навга топширишга муваффақ бўлмоқда.

Ғ. АЛИЕВ олган сурат.

Жумҳурият янгиликлари

✦ **НАМАНГАНДА** кўп болали оилалар учун магазин очилди. Илгари хўжаликда керак бўладиган буюмни қидириб топиш учун кўпинча анча вақтини сарфлаб юрган қаҳрамон оналар энди бундай ташвишдан халос бўлдилар. Улар ихтисослаштирилган «Серфарзанд» магазинига мурожаат қилсалар кифоя.

Бу ерда сотиладиган моллар тури жуда синчиклаб танланган: аёлларга керак бўладиган энг зарур нарсалар озмунчами! Магазинда хўжалик буюмларигина эмас, хилма-хил аёллар кийимлари ва пойабзаллар билан ҳам савдо қилинади. Бу ерда болаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилган. Улар учун керак бўлган молларни махсус ажратилган бўлимдан сотиб олиш мумкин.

✦ **ЎРТА ОСИЁ** темир йўли Фарғона бўлимининг инқилобий, жанговар ва меҳнат шуҳрати жамоат музейининг кўргазмасини тўлдирган янги стенд «Улар номини ёдимизда тутамиз» деб номланди. Кўргазма фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг яқинда нишонланадиган 45 йиллиги муносабати билан очилди.

Стендда темирйўлчиларнинг оғир уруш йилларидаги жанговар ва меҳнат жасоратлари тўғрисидаги материаллари, фронтларда ҳалок бўлганларнинг фотосуратлари қўйилган. Улар орасида сержант Геннадий Репин, гвардиячи кичик лейтенант танкчи Петр Максимов ва бошқалар бор. Мазкур стенддаги кўпгина материаллар куч-қувватларини аямай, фронтга Ватан ҳимоячилари учун мунтазам равишда ўқ-дори ва озиқ-овқат етказиб бериб турган Қўқонлик пўлат излар меҳнаткашларининг жасоратлари тўғрисида ҳам ҳикоя қилади.

✦ **БЕТОНГА** қўшиладиган янги маҳсулот цементни 15 фоизгача тежаш имконини беради: целлюлоза-қоғоз саноатининг чиқитлари, махсус рецепт асосида қайта ишланган фос-фогипс ва кул тақчил материалнинг ўрнини қисман босди. Бунда енгил ва оғир бетонларнинг сифати анча ошди.

Чиқитлардан қўшимча таркибини ва уни тайёрлаш технологиясини Тошкент қурилиш-лойиҳалаш илмий-тадқиқот институтининг мутахассислари М. Борисов, А. Ткаченко ҳамда Ленинград темир йўл транспорти инженерлари институтининг профессори П. Камохов ихтиро этдилар.

Чиноз ва Жиззахдаги бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинатлари, Бухоро уйсозлик комбинати, Қарши саноат қурилиши бирлашмаси мазкур усулни биринчилардан бўлиб қўллай бошладилар. Иқтисодий самара ҳар куб метр бетонга қарийб уч сўмни ташкил этди. Ҳозир Сергели экспериментал уйсозлик комбинатида, «Главташкентстрой» 3-уйсозлик комбинатида ва Нукус уйсозлик комбинатида илғор технология жорий этилмоқда.

✦ **«МЕТАЛЛУРГ»** ишлаб чиқариш кооперативи Андижондаги «Коммунар» заводида ўз фаолиятини тақчил маҳсулот ишлаб чиқаришдан бошлади.

Йил бошида ишчилар ва қуювчи мутахассислар заводдан қуюв корхонасини ижарага олдилар. Корхона қувватлари тўла ишга солинмас эди. Шундан сўнг дастлабки буюртмалар туша бошлади: тақчил сантехника буюмлари, печка ускуналари, турли хил қуйма панжаралар, деталларга буюртмалар берилди.

Буюртмачилар билан шартномаларда муддатлар ва нархлар белгиланади, буюртмачиларнинг ҳам, кооперативнинг ҳам материалидан қуйиш учун фойдаланилади, бу ҳам олдиндан келишиб қўйилади. Қисқа вақт ичида «Металлург» истеъмолчиларнинг буюртмаларига мувофиқ 30 минг сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарди.

(ЎзТАГ).

Хориждан хабарлар

Чет эл ёшлари ҳаётидан

● УЛАН-БАТОР. Совет ва Монгол халқлари қардошларча ҳамкорлигининг турли-туман шакллари яна бир хайрли иш билан бойиди. Монголия пойтахтидаги В. И. Ленин номли совет клуби «Монголия янгиликлари» ҳафтаномасининг редакцияси ва Монголпресс агентлиги билан биргаликда бу ерда биринчи бор ҳайрия кечаси ўтказди. МХРдаги дастлабки Совет-Монголия қўшма ҳайрия тадбиридан тушган пулнинг ҳаммаси МХР болалар фондига ўтказилди.

Кечада монголиялик жамиятшунослар, социологлар, археологлар ва ҳатто мунажжимлар ҳам иштирок этдилар. Клуб саҳнасида мамлакатда машҳур бўлган «Соел эрдэнэ» вокаль-чолғу ансамбли концерт қўйиб берди. Тўпланганлар кириб келган «Баҳор—90» мавсуми учун мўлжалланган модалар намойишини ҳам қизиқиб томоша қилдилар.

● ҚОҲИРА. Босқинчи маъмурлар Иордан дарёсининг ғарбий соҳили ва Ғазо секторидаги Фаластин дорилфунунларида ўқишни тақиқлаш муддатини яна уч ойга чўзиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Шу муносабат билан МЕНА агентлиги босиб олинган ҳудудлардаги Фаластин дорилфунунларининг бешови ҳам 1987 йил декабрь ойида интифада бошланганидан буён ёпиқ эканлигини таъкидлади.

Босиб олинган ҳудудлар аҳолиси маъмурларнинг бу қарорига қарши норозилик сифатида ялпи иш ташлаш эълон қилди. Ғазо, Хон Юнус, Рафаҳ, Бир Зайт шаҳарларида талабаларнинг оммавий намойишлари бўлиб ўтди. Ғазо ва Хон Юнус шаҳарларида фаластинликлар билан уларга қарши ташланган армия бўлинмалари ўртасида бир неча бор қонли тўқнашувлар бўлди. Ўнлаб кишилар, деб хабар қилади МЕНА агентлиги, ўқ отиш қуролларидан яраланди. Фаластинлик қочоқларнинг сектордаги барча лагерларида комендантлик соати амал қилаяпти.

Фатҳнинг Миср Араб жумҳуриятидаги вакили Зоҳди Кодра Қоҳирада журналистларга хабар қилишича, Исроил армиясининг ваҳшийларча ҳаракатлари оқибатида босиб олинган ҳудудларда ўтган кеча-кундузда жами уч юзга яқин киши жароҳатланган ва мажруҳ қилинган. Ғарбий соҳилдаги Эриха шаҳрида фаластинлик ватанпарварларнинг яна тўртта уйи бузиб ташланган.

● НЬЮ-ЙОРК. Кот-Дъивуар миллий маориф нозири Балла Кейта мазкур Ғарбий Африка мамлакатида давом этаётган талабаларнинг оммавий намойишлари муносабати билан чоршанба куни истеъфога чиқарилди. Ассошиэйтед пресс агентлигининг Обиджон радиоси маълумотларига таяниб хабар қилишича, унинг ўрнига илмий тадқиқотлар нозири Алассан Нъриай тайинланди.

Агентликнинг далолат беришича, Кот-Дъивуар ҳукумати ётоқхоналардан фойдаланганлик учун талабалардан олинадиган ҳақни ҳам икки баравар камайтиришга рози бўлди.

Бироқ бу тадбирлар ўз талаблари тўла қондирилмагунича курашни давом эттириш ниятида бўлган талабаларни тинчлантиролмади. Намойишчиларнинг полиция билан тўқнашувлари тўхтамаяпти. Обиджоннинг дорилфунун шаҳарчасида чоршанба кунининг ўзида 30 га яқин намойишчи қамоққа олинди. «Биз намойишларда қатнашаверамиз», — деб таъкидлади АП мухбири билан суҳбатда ўз номини айтишни истамаган намойиш қатнашчиси.

Талабаларнинг қизғин намойишлари Обиджонда 19 февралдан буён давом этмоқда. Унинг иштирокчилари жумҳурият президенти Феликс Уфуэ-Буаньянинг истеъфога чиқишини, бир партиялилик системасининг бекор қилинишини, ўқувчилар ва студентлар миллий ташкилотининг расман тан олинишини талаб қилмоқдалар. Талабалар бу ташкилот уларнинг манфаатларини маъмурлар назорат қилиб турган ёшлар уюшмасига нисбатан яхшироқ ҳимоя қилаяпти, деб ҳисобламоқдалар. Йигит ва қизлар пойтахт дорилфунунидаги ўқиш учун тўланадиган ҳақнинг ҳаддан зиёд юқори эканлигига қарши ҳам норозилик билдирмоқдалар.

Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, студентлар намойишлари аҳоли кенг қатламлари аҳволининг умуман ёмонлашуви туфайли Кот-Дъивуарда вужудга келган ижтимоий кескинликни кучайтирди.

(ТАСС).

Исроил режаларига қарши

ВАШИНГТОН, (ТАСС). Буш маъмурияти Исроилдан унга берадиган қарзи босиб олинган Араб ҳудудларида манзилгоҳлар қурилишига сарфланмаслиги тўғрисида кафолат олмаса, унга уй-жой қурилиши учун қарз бермайди. АҚШ давлат секретари Жеймс Бейкер шуни маълум қилди.

Қўшма Штатлар Исроил босиб олган ерларда, хусусан Иордан дарёсининг ғарбий соҳили ва Ғазо секторида Исроил манзилгоҳлари қурилишига йўл қўймаслик тўғрисидаги ўз баёнотларини аниқ равшан қадамлар билан тасдиқлашга тайёр эканлигини биринчи марта намойиш қилди.

Ҳозирги вақтда сенатда Исроилга келаётган хорижийлар, хусусан совет яҳудийлари учун янги уйлар қурилишига 400 миллион доллар бериш тўғрисидаги қонун лойиҳаси бор.

«ТЕЗ ЁРДАМ»НИНГ ЯНГИ ТУРИ

БРАЗИЛИА. **ТАСС мухбири Владимир Голенков хабар беради:** Бразилияда янги ташкил қилинган автомобиль йўллари медицина «тез ёрдам» отряди «Йўл фаришталари» деган ном олди. Бу отряд мамлакатдаги иккита энг йирик шаҳар — Рио-де-Жанейро билан Сан Пауло ўртасидаги 400 километрли «Вла-Дутра» автомобиль йўлида хизмат қила бошлади.

Халқ орасида «Ўлим йўли» деб ном олган бу автомобиль йўли мамлакатдаги энг серқатнов йўллардан бири ҳисобланади. Статистика маълумотларига қараганда, бу йўлдан ҳар куни 70 мингта автомобиль ўтади, ҳолбуки шуларнинг тенг ярми — оғир юк машиналаридир. Бу ерда йилига ўртача етти минг марта йўл-транспорт ҳодисаси бўлади. Ўтган йили авариялар оқибатида 43 минг киши жабрланди, шуларнинг ҳар тўққиз нафаридан бири ҳалок бўлди.

Барча зарур нарсалар, ҳатто реанимация аппаратлари билан таъминланган микроавтобусларда юрувчи юқори малакали шифокорлар отряди бўлган «Йўл фаришталари» ёрдамида автомобиль фожиалари натижасида одам ҳалок бўлишини икки баравардан зиёд камайтириш мўлжалланаяпти. «Виа-Дутри» йўлининг бошланишидан то охиригача «Тез ёрдам» постлари қўйилган бўлиб, улар кечаю-кундуз тинимсиз ишлайди. Улар жабрланганлар ҳузурига етиб келиши учун кўпи билан 10 — 20 минут керак бўлади.



Биз Нью-Йоркда кўча музикачиларини кўп учратганмиз. Бироқ 6-авенюда бунақаси илгари бўлмаганди. Бу йигит турли металл асбоб-буюмлардан мусиқа чиқариб, йўловчилар эътиборини тортишни ўзига мақсад қилиб олган. Нью-йорклик-лар қандай мусиқани хуш кўришлари ҳақида аниқ бир нарса дейиш қийин. Бироқ бу омадсиз йигитнинг атрофида ҳеч ким йўқлиги улар саксафон тиралган мусиқани кўпроқ ёқтиришдан далолат беради.

С. ВЕЛИЧКИНА суратга олган (ТАСС).

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

230 ЁШЛИ ТОШБАҚА

● АРГЕНТИНАЛИК балиқчилар Буэнос-Айреснинг жанубидаги Самборомбон кўрфазидан баҳайбат тошбақа тутиб олдилар.

Мар-дель-Плата шаҳридаги табиий фанлар музейи мутахассислари текшириш натижасида шундай хулосага келдилар: тошбақа 230 ёшда бўлиб, оғирлиги 70 килограмм. У умуман йўқ бўлиб кетиш хавфи остида турган улкан тошбақалар тоифасига киради.

ТЎРТ ЙИЛЛИК ҚИДИРУВ

✦ ЖАНУБИЙ АФРИКАлик Аллан Кейл раҳбарлигида мана тўрт йилдирки, сув остида қидирув ишлари олиб борилмоқда. Уларнинг қидираётган нарсаси бундан 138 йил аввал «Добрий Надежда» бурни атрофида чўкиб кетган Англиянинг «Биркенхед» ҳарбий кемасидаги олтин тангалардир. Хазинанинг умумий қиймати 24 миллион долларга тенг.

Ачинарлиси шуки, тўрт йиллик қидирув ҳали-ҳануз бесамара бўлмоқда.

ЯНГИ ҚОНУН БЎЙИЧА

✦ АҚШ конгрессида 1988 йили қабул қилинган қонун бўйича, ҳамма федерал муассасалар ва ташкилотлар 1992 йил 30 сентябрдан бошлаб метр системасига ўтишади. Бу деган сўз американликларнинг ёшлигидан дилига сингиб кетган мер ўлчов бирлиги метр, мил — километр, Фаренгейт градуси — Цельский градусига, акра — гектарга, фунт — граммга алмашади.

Бунинг фойдали томони шундаки, 1992 йилда ягона Европа бозори ташкил этилса ажаб эмас.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Хориждан хабарлар

МОҒОР

ТИББИЁТ МАВЗУСИДА

5 декабрда редакцияда телефон қўнғироғи жиринглаб қолди.

— Мен Черновциданман, — ҳаяжонланган аёл кишининг овози эшитилди. — Биз Москвада, педиатрия институтидамиз. Фарзандларимнинг яна сочи тўкилиб кетаяпти. Улар менда тўртта, ҳаммаси бетоб. Кўз олдимда тўкилиб тушаяпти. Ўзим ҳам тақирбош бўлаяпман, лекин бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очганим йўқ. Фарзандларимни даволашса эди... Пулим тугади. Эрим азоб чекмоқда, хонанинг бир қисмини ижарага олган. Ахир сиз Черновци тўғрисида ёзган эдингиз. Ёрдам беринг...

«Московские новости»нинг 35-сонида «Заҳарланиш» сарлавҳали мақола чоп этилгандан сўнг, СССР соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари А. Барановнинг имзоси билан расмий жавоб олдик:

«Украина ССРнинг Черновци шаҳрида 1988 йилнинг кузида болаларнинг оммавий касалланиши ўрганиб бўлиниб, унинг сабаби кимёвий таъсир этиш ҳисобланади. Мамлакатнинг етакчи мутахассислари ўтказган клиника-биокимёвий заҳармандологик, иммунологик, вирусологик, микологик ва бошқа тадқиқотларнинг натижалари ана шундай хулосага келишга асос беради. Болаларда бундай касалликнинг хуруж қилишининг батафсил таҳлилини биз «Медицинская газета»нинг 1989 йил 17 сентябрдаги 112-сонида ёритганмиз.

Мақола муаллифининг комиссия нуфузлигини (гап А. Баранов бошчилик қилган СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг «черновци» касали сабабларини текшириш юзасидан комиссия тўғрисида бормоқда — В. Л.) шубҳа остида қолдиришга интилишини, шунингдек, ҳақиқатни ёпишда айб қўйишини... ҳисобга олиб, изоҳ беришни истардим...

Юқумли касалликнинг бошланишини чуқур, кенг қамровли излаш натижа бермади... Муаллифнинг қўзғатувчини (касалликни) излашдаги «беодобсизлиги»ги шубҳаси асоссиздир.

«Натижаларни берилган жавобга мослаштирилган» деб даъво қилиш ўнлаб институтлар олимларининг бутун бир жамоалари инсофлилигини шубҳа остига қўйишдир...

...Комиссия ишини ўтмишга назар солиб баҳолаш билан бирга, албатта, унинг ишидан ҳам нуқсон топиш мумкин. Бироқ, улар «ташкилий заифлиги» (таърифни СССР халқ депутати, медицина фанлари доктори, Черновци дорилфунунининг профессори Л. Сандуляк томонидан берилган — В. Л.) оқибати ҳам, жаҳон ва Ватанимиз тиббиёти амалиётида шунга ўхшаш ҳодисалар бир хил бўлмагани натижаси ҳам эмас.

Пировардида шуни таъкидлаб ўтишни истардимки, афсуски, баъзи бир журналистлар асослаб берилган фактлардан эмас, балки текшириб кўрилмаган маълумотлардан, тадқиқ қилинмаган илмий маълумотлардан, мутахассис бўлмаганларнинг фикрларидан фойдаланишни афзал кўрадилар.

Тиббиёт муаммоси сиёсий муаммога айланганлигига шу сабаб эмасми! (асл нусхада савол аломати йўқ — В. Л.).

Черновциликка мен нима деб жавоб қилишим мумкин? Шу хатдан унга кўчирма келтирайми? «Медицинская газета»ни рўкач қилиб, фалон кундаги фалон сонда хабар қилинишига қараганда, «барча касаллар текширувдан ўтказилди ва Москва ҳамда Киевнинг етакчи клиникаларида даволандилар» ва «ҳозир улар деярли ҳаммаси соғлом» дейми? Сизни тўрт фарзандингиз билан Москва институтининг юқумли касалликлар алоҳида хонасида ушлаб туришганини бу мутахассис бўлмаган кишиларнинг уйдирмасидан бошқа нарса эмас дейишим керакми? У ҳолда сизнинг черновцалик, қўшни алоҳида хонада ётган бошқа боланинг онаси «етакчи клиникада даволаш»ни кўргач, очлик эълон қилганлиги ва унинг олдига «руҳий касалликлар шифохонасидан» ўктам ҳамширалар ташриф буюргани тўғрисидаги ҳикоянгиз, кечирасиз-у, бу иғво, тиббиёт муаммосини сиёсий муаммога айлантиришга уринишдан бошқа гап эмас экан-да.

Бахтимга, столим устида бошқа — Тошкентдан, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Н. Деҳқонхўжаевадан келган хат ётарди.

«Биз тиббиёт паразитология илмий-тадқиқот институти протозой (энг оддий бир хил ҳужайрали жонли организм) касалликлари бўлимимизда 400 дан зиёд бемор ва катта ёшдаги кишиларда сочнинг умумий ёки бир жойда тўкилиб кетишини кузатдик. Касалликни келтириб чиқарувчи илгари маълум бўлмаган қўзғатувчи-замбуруғча бўлиб, улар қон томирларида яшайди ва инсон қонининг барча таркибларини зарарлантиради. Тажриба давомида замбуруғчалар юқтирилган жониворларда танасининг бир жойида ҳамда ёппасига тукларнинг тўкилиши содир бўлди. Биз анчадан буён соч тўкилишини самарали даволашга эришмоқдамиз.

Фикримча, биз аниқлаган қўзғатувчи Черновцида ва бошқа шаҳарларда ҳам сочнинг тўкилишигагина эмас, балки ўпка, нафас йўлларининг яллиғланиши, сариқ, бронхиал астма касалликларини келтириб чиқаришда ҳам айбдор. СССР медицина Фанлари академияси ниҳоят қўзғатувчилар мавжудлигини тасдиқлади. Шундай қилиб, Черновци тўғрисидаги масала бизнинг замбуруғчамиз билан узвий боғланган».

— Микозли (замбуруғли дейилмоқчи) тахминларни тўла ишлаб чиқдик. Агар соч тўкилишининг келиб чиқишига замбуруғча сабаб бўлса, топиш жуда осон — уни микроскоп орқали кўриш мумкин, — деб журналистдан нуфузли кишилар кулишди. Улар ҳақ. Нозима Абдуллаевна «зоминелла»ни (замбуруғни шундай деб аташади) айни микроскоп ёрдамида топган. Тўғри, бунинг учун унга бир неча йил сарфлашига тўғри келди. Микроскопда ҳеч нимани кўрмаган кишига таъна қилиш шарт бўлмаса керак. Ахир улар «қисқа муддатда касалликнинг табиатини аниқлашни» астойдил исташганди-да.

Етакчи мутахассисларнинг вақтлари ғоят зиқ бўлганлигидан илмий ишлар орасидан Деҳқонхўжаева ва унинг ходимлари томонидан ёзилган қирқта мақолани қидириб топишни ўзларига эп билмаганликларини тушунаман. Масала бошқа томонда. Ошкоралик удумга кирганига беш йил бўлаяпти-ку, нима учундир СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги Ўзбекистонда олиб борилаётган тадқиқот тўғрисида бирор марта оғиз очмади? Зоминелла мавжудлигини у ёққа юборилган қирқ комиссияларни инкор эта олмаган, 41-эса ҳатто борлигини тасдиқлади. Гап бирор-бир беозор моғор тўғрисида бораётгани йўқ. Алепоция — фақат нишонаси. Бизнинг хонаки замбуруғимиз «хорижий» СПИД сингари иммунитет системасини зарарлайди, ўпкада, жигарда, мияда тиклаб бўлмайдиган ўзгаришларни келтириб чиқаради. У ўзининг ишдан чиқариш ҳаракатларини маълум касаллик билан пардалайди. Тиббиёт ходимлари уларни анъанавий усуллар билан даволашга уринадилар ва шунинг учун кўпинча кўзланган нарсаларга эриша олмайдилар. Тошкент шаҳри клиникаларида бўлган ҳар юз ҳодисадан 57 тасида зоминелла мавжудлигини тадқиқотлар кўрсатди. Биз нима учун Черновцидаги воқеа тўғрисида «жаҳон амалиётида шунга ўхшашлар кўрилмаганлиги» дея оз бўлмаса фахр билан гапириб, дунё табобатини Тошкент тажрибасидан ажратиб қўйдик?

Деҳқонхўжаева Черновци ва Силламяэдаги кулфатлар тўғрисида батафсилроқ хабардор бўлиши биланоқ СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ва Эстония ССР Соғлиқни сақлаш министрлигига ана шу шаҳарларда зоминелла болаларда оммавий касалланишни келтириб чиқарганми, йўқлиги тўғрисидаги фаразни текшириб кўриш таклифи билан мактуб йўллади. Нима учун «прогрессив» Эстония ва «консерватив» Москва унинг мурожаатига эътибор қилмай, сукут сақлади?

«Кимёвий тахминий фикр» СССР Соғлиқни сақлаш министрлигини тўла қаноатлантирарди, чунки уни масъулиятдан тўла халос этарди. Кимёгарлар, ҳарбийлар, террорчилар, ўзга сайёралардан ташриф буюрганлар айбдор-ку, ахир. Эстония Соғлиқни сақлаш министрлиги радиологик тахминий фикрни ғоятда батафсил ишлаб чиқди, чунки бу фойдали эди. Радиоактивликнинг манбаи қаерда? Силламяэга жойлашган Иттифоқ тасарруфидаги корхоналарда бўлиши табиий. Ҳаммасига Москва айбдор бўлар-ди-да.

Нозима Абдуллаевна нима қилиб бўлса ҳам Силламяэда бўлди. 15 боланинг қонида алопециянинг ўчоғида зоминелла борлигини аниқлади. Улардан тўрттаси даволашнинг биринчи босқичидан ўтди. Натижалари умидбахш эди.

Черновцидан 8 болани 6 декабрда унинг олдига, институтга олиб келишди. Уларнинг ҳаммасида зоминелла борлиги аниқланди.

— Мен Черновцидан келтирилган болаларнинг касаллиги Силламяэда кўрган касалликка шунчалик ўхшашлигини кутмаган эдим, — деб телефон орқали хабар қилди Нозима Абдуллаевна, — бу биз Тошкентда кузатганимиз қандай бўлса, худди шунинг ўзи.

Сўнгги йилларда оммавий алопеция ҳодисаси юз берган Мариуполь, Кемерово ва бошқа шаҳарлардаги болалар нима билан «заҳарланган»?, Зоминеллани юқтириш қандай йўллар орқали содир бўлаяпти? У Иттифоқимиз бўйлаб қанча ерни қамраб олган? Касалликнинг олдини олиш чоралари қандай бўлиши зарур? Бу зоминелла, у умуман қаердан пайдо бўлиб қолган? Соф табобатга тааллуқли саволлар, жавоблар эса қандай бўларкин?

P. S. черновцилик касалларга қараб турган москвалик врач билан мусоҳабадан:

— Сиз касалликнинг сабабларини биласизми!

— Йўқ.

— Сиз уни даволай оласизми!

— Йўқ.

— Нима учун касалларни айни сизларга юборишди!

— Биз уларни қабул қилишни истамасдик, лекин юқоридан жойлаштиришга кўрсатма бўлди. Шундай қилиб жойлаштирдик. Москвада яшашга барибир жой йўқ.

Кулгилими!

Владимир ЛУСКАНОВ,
(«Московские новости» 14 январь, 1990 йил сонидан).

Иқтисод ва ҳаёт

ТЎЙИБ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ БОШҚА

Умумиттифоқ меҳнат тақсимотида Ўзбекистон хўжалиги пахтачиликка ихтисослашган. Пахтачилик билан боғланган ҳолда узумчилик, мевачилик, сабзавотчилик, шоликорлик, пиллачилик, қоракўлчилик, сут-гўшт чорвачилиги ва бошқа тармоқларнинг ривожланиши сабабли Ўзбекистонда пахтачилик аграр-саноат комплекси шаклланди. Бу комплекс мамлакатда етиштириладиган пахта ва пилланинг учдан икки қисмини, луб экинлари маҳсулотининг 90 фоизини, қоракўл терининг учдан бир, шолининг бешдан бир қисмини, полиз маҳсулотларининг 20, мева ва резавор меваларининг 9 фоизини беради. Ўзбекистон сабзавот етиштиришда РСФСР ва Украинадан кейин Иттифоқимизда учинчи ўринда туради.

Аграр-саноат комплексига қарашли турли саноат тармоқлари, айниқса, озиқ-овқат корхоналари жумҳуриятнинг ҳамма вилоятларида барпо қилинди. Бу саноатга қарашли 272 корхоналарда гўшт ва гўшт маҳсулотлари, ўсимлик ёғи, мол ёғи, сабзавот, мева, балиқ консервалари, ҳар хил шарбатлар, қандолатчилик маҳсулотлари, нонлар, спиртсиз ичимликлар ва бошқа турли хил овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида етиштирилган ва озиқ-овқат саноатида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг катта қисми Иттифоқ марказига, Урал, Сибирь ва бошқа ноҳияларга юборилади.

Ҳозирги ўн иккинчи беш йиллик планларига биноан жумҳурият қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ўсиши 14—16 фоизини ташкил қилиши керак. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга 16 миллиард сўм капитал маблағ сарфлаш мўлжалланган. Айниқса, Озиқ-овқат программасини изчиллик билан амалга оширишга алоҳида эътибор берилади. Лекин ҳозирги беш йилликда ҳам олдинги турғунлик йилларидаги каби жумҳурият халқ хўжалиги олдига пахтачиликни янада ривожлантириш асосий вазифа қилиб қўйилган.

Маълумки, пахта етиштиришни мунтасил бир томонлама ривожлантириш жумҳурият табиий ва иқтисодий шароитида салбий оқибатларни келтиргани билан бирга қишлоқ хўжалиги таркибини ўзгартириб юборди. Яъни озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш, чорвачиликни ривожлантириш талаб даражасидан анча орқада қолди.

Кўрсатилган оғир аҳволни Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг ташкил қилиниши ва тараққий эттирилиши жараёни мисолида яққол кўриш мумкин. Чунончи, ҳозирги ўн иккинчи беш йилликда жумҳуриятимизда картошка етиштиришни 400 минг тонна, сабзавот — 3 миллион тонна, полиз маҳсулотлари — 1 миллион тоннага, мевани 920 минг тоннага етказиш режалаштирилган эди. Узум тайёрлаш эса олдинги беш йилликка нисбатан 1,5 марта оширилиб, 900—950 минг тоннага етказиш мўлжалланган эди. Лекин ҳар хил иқтисодий, ижтимоий ва табиий сабабларга кўра кўрсатилган режаларни бажариш борасида сусткашлик қилинмоқда.

Маҳсулот кам ишлаб чиқарилаётганлиги сабабли уни аҳоли томонидан истеъмол қилиш даражаси паст. Инсон саломатлиги билан шуғулланувчи тиббиёт муассасалари тавсиясига кўра Ўрта Осиё, шу жумладан Ўзбекистонда истиқомат қилувчи ҳар бир киши йилига 63,9 килограмм картошка, 113,3 килограмм сабзавот, 98,6 килограмм полиз маҳсулотлари, 125 килограмм мева ва узум, 83,9 килограмм гўшт ва гўшт маҳсулотлари, 350 та тухум, 464 килограмм сут ва сут маҳсулотлари истеъмол қилиши керак. 1988 йил маълумотига кўра жумҳуриятимизда жон бошига 15,6 килограмм картошка, 139,3 килограмм сабзавот, 46,9 килограмм полиз маҳсулотлари, 31,7 килограмм мева ва резавор мева, 33,1 килограмм узум, 22,2 килограмм гўшт (сўйилган вазнда), 143,2 килограмм сут ва 118 дона тухум тайёрланган.

Ушбу рақамлардан кўриниб турибдики, инсон саломатлиги учун керакли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бирортаси ҳам жумҳуриятимизда етарли даражада эмас. Шунга қарамай Ўзбекистонда етиштирилган сабзавот, мева ва узум пишган вақтида, сўнгра қуритилган ҳамда консерва ҳолатида Иттифоқимизнинг бошқа жумҳуриятларига жўнатилади. Ўртача СССРда жон бошига истеъмол қилинадиган ҳажмга нисбатан жумҳуриятимиз аҳолисини серитаминли озиқ-овқатлар билан таъминланиши паст бўлгани учун Ўзбекистонда ҳар хил касалликлар, айниқса, болалар ўртасида ўлим кўп.

Жумҳуриятимиздаги шу салбий ва аянчли шароитларнинг келиб чиқиш сабабларидан бири қишлоқ хўжалигида пахта яккаҳокимлигини вужудга келтирилиши ва уни ҳозирга қадар давом этишидир. Суғориладиган ерларнинг энг яхши маҳсулдор қисмини деярли 50 фоизи пахта экини билан банд. Пахта майдонини камида 500 минг гектар камайтирилмаса, жумҳуриятимизда Озиқ-овқат программасини муваффақиятли бажариш, бинобарин аҳолига етарли даражада сабзавот, картошка, мева, гўшт, сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун имкон бўлмайди. Озиқ-овқат программасини ҳал қилиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, турмуш тарзини яхшилаш, жумҳуриятимиз ер-сув ва бошқа табиий, иқтисодий имкониятларидан оқилона фойдаланиш деҳқончилик ва чорвачиликнинг турли соҳаларини ривожлантириш билан боғлиқ.

Бу борада, айниқса, картошка етиштиришни кўпайтириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки картошка Совет Иттифоқидаги ҳамма жумҳуриятлар каби Ўзбекистон аҳолиси учун ҳам кўп истеъмол қилинадиган маҳсулотлар қаторига киради. Картошкага бўлган талаб йилдан-йилга ошмоқда. Лекин Ўзбекистонда уни етиштириш талаб даражасидан жуда узоқда. Чунончи Белоруссияда жон бошига картошка етиштириш 1988 йилда 757 килограмм, СССРда — 219 килограмм бўлгани ҳолда Ўзбекистонда атиги 15,6 килограммдан иборат бўлган. Картошкани истеъмол қилиш эса жон бошига СССРда 98 килограмм, Белоруссияда 175 килограмм, Украинада 120 килограмм бўлгани ҳолда Ўзбекистонда атиги 24 килограммдан иборат.

Картошкага бўлган талабнинг йилдан-йилга ошиши, гўшт ва сут маҳсулотлари, меваларнинг етишмаслиги сабабли унинг нархи ҳам кўтарилиб, юқори даражага чиқди.

1950 йилларда давлат дўконида 1 килограмм картошканинг нархи эски пулда 55 тийин эди. Янги пулга ўтгандан кейин унинг давлат нархи 11 тийинга кўтарилди, Ўзбекистон бозорларида 1 сўмдан ошиб кетди. 1989 йилда Тошкент бозорида май ойида 1 килограмм картошка 2—3 сўм бўлган бўлса, ноябрь, яъни картошка сероб бўладиган ойда бозорда 50—60 тийиндан пастга тушмади. Кооператив дўконларда 1 килограмм картошка 33—50 тийиндан сотилди.

Россиядан келадиган картошка 1989 йил кузида йилдаги 250—300 минг тоннадан камроқ бўлгани учун 1990 йил баҳорида унинг нархи яна 2 сўмгача кўтарилиши мумкин.

Картошкани кўпайтириш ва уни етиштиришга ихтисослашган хўжаликларни картошкадан оладиган зиён ўрнига даромад қилиши мумкинми? Бинобарин, жумҳуриятимиз аҳолисининг картошкага бўлган талабини Ўзбекистон хўжаликларида кўплаб етиштирилган картошка ҳисобига таъминлаш мумкинми? Албатта, мумкин! Бунинг учун қуйидаги бир неча муаммоларни ҳал қилиш керак. Биринчи навбатда унинг ҳосилдорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Картошка ҳосилдорлигини ошириш — уни етиштириш билан шуғулланадиган деҳқонлардан бу экинни ўзига хос биологик хусусиятларини билган ҳолда иш тутишни талаб этади. Уни экишдан то ҳосил етишгунча ўсиш даври 70—120 кун. Ўзбекистонда совуқ бўлмайдиган кунлар 220—230 кунгача давом этади. Бинобарин, бир йилда икки марта картошка ҳосили олиш мумкин, яъни баҳоргисидан ёзда (май, июнда), кузгисидан (октябрь, ноябрь ойларида). Картошка қора ва қорамтир қумлоқ (енгил) тупроқли, чириндиларга бой, шўрланмаган ерларда мўл ҳосил беради. У мўътадил иқлимда яхши ўсади ва ҳосил тўплайди. Ёзнинг 35—40 даражали жазирама иссиқлари картошканинг ҳосил тўплашига салбий таъсир қилади.

Сўнгги йилларда СССРда 6,2 миллион гектар, шу жумладан Ўзбекистонда 30 минг гектар майдонга картошка экилмоқда. Унинг ҳар гектаридан олинадиган ўртача ҳосили Иттифоқимизда 121—140 центнер, Ўзбекистонда эса 90—105 центнерни ташкил қилади. Ҳар гектар ерга 2—3 тонна картошка уруғи экиб, 4—5 тоннага етар-етмас ҳосил олаётган жамоа хўжаликлари жумҳуриятимизнинг ҳамма вилоятларида мавжуд. Ялпи ҳосил эса жумҳуриятимизда йилига ўртача 290—305 минг тоннадан ошмаяпти.

Жумҳуриятимизда ҳозир 20, миллиондан ортиқроқ аҳоли яшайди. Буларнинг ҳар бири учун тиббиёт ходимлари бир йилда 63,9 килограммдан картошка истеъмол қилишни белгилашган. Бинобарин шу ҳисобда ҳар йилига 1 миллион 200 минг тоннадан ортиқроқ картошка керак бўлади. 2000 йилга борганда жумҳуриятимиз аҳолиси 28 миллион кишига етади. Уларнинг картошкага бўлган талаби 1792 минг тоннани ташкил қилади. Жумҳуриятимизда сўнгги йилларда етиштирилаётган ўртача 300 минг тонна озлиги сабабли аҳолини таъминлаш учун ҳар йили РСФСР, Болтиқбўйи жумҳуриятларидан 280—300 минг тонна картошка келтирилади. Сўнгги йилларда Ўзбекистонга ҳаттоки Польша, ГДР, Хитой Халқ Жумҳуриятидан ҳам картошка келтирилмоқда. Шунга қарамай унинг жон бошига истеъмол қилинаётган миқдори 20—25 килограммдан ошмаяпти. (Украинада — 120 килограмм, Белоруссияда — 175 килограмм, СССРда — 98 килограмм).

Бу рақамлар ҳам ҳақиқатни тўлиқ ифода этмайди. Чунки узоқдан келтирилаётган картошканинг кўп қисми йўлда уриниб, касалланиб келади. Уни дўконларга юбориб туширгунча яна чирий бошлайди. Шу туфайли келтирилган картошкани узоқ муддатгача (май—июнь ойларигача) сақласангиз, ҳаммаси чириб кетади. Хуллас, унинг фақат 35—40 фоизигина овқатларга ишлатилмоқда.

Жумҳуриятимизда етиштирилган маҳаллий картошкани овқатга камида 80—90 фоизи ишлатилади, сўнгра тегишли шароитда уни келаси йил ёз ойларигача сақлаш мумкин.

Шу сабабли Ўзбекистонда, айниқса, тоғолди ноҳияларида картошка етиштиришни ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Картошка ўсимлиги табиатига хос бўлган хусусиятлардан бири унинг ҳосилдорлигини ошириш имконияти катта эканидир. Дунё миқёсида айрим давлатларда бир гектардан 70—80 тоннадан ортиқ картошка етиштирган жойлар бор. Ўзбекистон шароитида ҳозиргача ҳар гектар ердан 30—40 тоннадан ортиқ ҳосил олаётган деҳқонлар бор. Тошкентдаги В. И. Ленин номли дорилфунуннинг янги биноси жойлашган ерлар Улуғ Ватан урушидан олдин Калинин номли жамоа хўжалигига тегишли эди. Шу жойдан 1939 ва 1940 йилларда ҳар гектаридан 60 тоннадан картошка ҳосили олишгани ёдимда. Далада тупроқ, хашак остида қолган, тўкилган картошкаларни биз болалар хазонченак қилиб териб олар эдик. Ўша вақтда юқори ҳосил олган миришкор деҳқонлар ҳозир ҳам ҳаёт, ҳозир ҳам улар давлат, жамоа хўжалигидан йилига бир неча гектар ерни ижарага олиб эртаги (баҳорги) картошкадан ва кузги картошкадан ҳам ҳар гектаридан 20—30 тоннагача ҳосил олишмоқда. Ҳозиргача маҳалламиздаги тажрибали деҳқонлар дорилфунун биноси томон қараб 60 тонналик зўр ер эди, деб хўрсиниб қўядилар.

Уруғчиликни илмий асосда ташкил қилиш Ўзбекистонда картошка ялпи ҳосилини оширишда энг асосий вазифа ҳисобланади. Уруғчиликни ташкил қилиш, янги ҳосилдор навларини етиштириш, уруғни сақлаш, картошкачилик агротехникасини такомиллаштириш борасида Ўзбекистон сабзавот-полиз ва картошкачилик илмий-текшириш институти, Тошкент қишлоқ хўжалик институти сабзавотчилик кафедраси, Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ходимлари баракали ишлар олиб боришмоқда. Лекин уларда маҳаллий шароитга мослаб етиштирилган картошка уруғларининг ҳажми кам ва ҳамма ерга тўғри келавермайди. Чунончи, Самарқанд вилояти иқлим-тупроқ шароитига мослашган картошка Хоразм вилоятида экилса, яхши ҳосил бермайди; шунингдек, Тошкент ёнида илмий-текшириш институти даласида етиштирилган яхши уруғ Сурхондарё вилоятида етарли натижа бермайди.

Келтирилган уруғлик картошканинг нархи қиммат бўлишига қарамай (1 килограмми 48 тийин) колхозлар мажбурий равишда сотиб оладилар ва тезроқ бу картошкадан қутулиш чорасини излашади. Биринчидан, хўжаликларда келтирилган картошкани сақлайдиган омбор етарли эмас, иккинчидан, уни баҳоргача сақласа, кўп қисми чириб кетади, учинчидан, нави ва мавсуми номаълум бўлгани учун картошка сақланган қисми баҳорда экилса (ёзгача сақлаш учун имкон йўқ) тузукроқ ҳосил бермайди. Шу сабабли куз ойларидаёқ кўп хўжаликлар олган уруғлик картошкани арзон нархда сотиб юборадилар. Узоқдан келтирилган уруғлик картошкадан жумҳуриятимиз хўжаликлари, мутахассислар ҳисобига кўра, йилига 6—10 миллион сўм зарар кўрадилар. Шу маълумотнинг ўзи ҳам уруғчиликнинг аҳамияти нақадар катта эканидан далолат беради. Лекин шунга қарамай жумҳуриятимизда уруғчилик муаммосини ҳал қилишга етарли эътибор берилмаяпти.

Жумҳуриятимиз тупроқ-иқлим шароити суғориладиган, тоғолди ва чўл табиий-хўжалик зоналарида бир-биридан фарқ қилади. Шу ҳолатни ҳисобга олиб тегишли мутахассислар жумҳуриятимиз турли вилоятларида, ноҳияларида етиштириш учун 10—11 хил картошка навлари тавсия этишган ва улар районлаштирилган. Чунончи, эртапишар навлардан «Зарафшон», «Седов», «Белорусский ранний» ёз ўртасида пишар — «лорх», «сулиф» «Огонёк», кузда пишар — «Обидов—2», «Вольтман» («Қайчибарг») ва бошқалар.

Уруғчиликнинг самарасини ошириш, ҳар хил шароитга мослашган ва юқори ҳосил берадиган картошка уруғини етарли даражада етиштириш учун Ўзбекистон сабзавот-полиз ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти директори А. Нуриддиновнинг маълумотига кўра жумҳуриятимизда етарли имкониятлар бор. Бунинг учун, биринчидан, ҳамма вилоятларда маҳаллий иқлим ва тупроқ шароитини ҳисобга олган ҳолда уруғлик картошка етиштиришга ихтисослашган хўжаликларни кўпайтириш, иккинчидан, картошка сақлайдиган омборларни барпо қилиш, учинчидан, уруғлик картошка экиладиган ерларнинг жамини 15 минг гектарга кенгайтириш, тўртинчидан, ҳар гектардан олинадиган ҳосилни 200—250 центнерга етказиш мақсадга мувофиқдир. Бу таклифлар амалга ошганда 15 минг гектардан 300—350 минг тонна ҳосил олинади. Шундан тахминан 40—50 фоизи аҳолининг овқат эҳтиёжи учун ишлатилса, 50 фоизини тоза уруғлик сифатида ишлатиш мумкин. Уринган ва чириганларни ҳисобга олганда ҳам 120—130 минг тонна тоза уруғ қолади. Бу эса деярли 40 минг гектарга етади. Афсуски, сўнгги йилларда картошка экилаётган ерлар 30 минг гектардан ошмаяпти. Агар шундан уруғлик учун 15 минг гектар ажратилса, аҳолини таъминлаш учун атиги 15 минг гектарга картошка экиш тўғри келади. Шунга эътиборан ҳозирданоқ умуман картошка майдонини 50 минг гектарга, ҳосилни 200—250 центнерга етказилсагина жумҳуриятимизда ҳозирги талаб даражасида ҳам уруғлик, ҳам овқат учун етарли даражада картошка етиштириш мумкин. Аҳолини тиббий нормасига биноан картошка билан таъминлаш учун сўнгги йилларда ҳосилдорликни ҳисобга олсак (бир гектардан ўртача 10—11 центнер), унинг майдонини деярли 180—190 минг гектарга етказиш керак. Агарда жумҳуриятимизда уруғчиликни яхши йўлга қўйиб, илғор агротехника ва тажрибани жорий қилиб, ўртача ҳосилдорликни 20 центнерга кўтарилса, картошка экиладиган майдон 95—100 минг гектар атрофида бўлиши мумкин. Айрим жойларда бир йилда икки марта экиб, 40 центнер ҳосил олишни ташкил қилинса, картошка экиладиган майдон 75—80 минг гектаргача қисқариши мумкин. Шундан 25—30 минг гектарига уруғлик экиб, жумҳуриятимиз талабини маҳаллий картошка билан таъминлаш имкониятига эга бўлинади.

Кўрсатилган хомаки ҳисобларни амалга ошириш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Чунки ўртача ҳосилдорликни 2 марта кўтариш мутахассислар ва миришкор деҳқонлардан жуда катта куч сарфлашни талаб этади. Картошка уруғи жумҳуриятимиз хўжаликларида етиштирилгани билан 150—200 минг тонна уруғлик картошкани сақлайдиган омборхоналар йўқ. Тошкент ва Самарқанд вилоятларидаги мавжуд омборхоналарда фақат 10—15 минг тонна картошка сақлаш мумкин. Ҳозир ва келгусида уруғ билан бирга овқатга истеъмол учун қолдириладиган картошкани қиш ва келгуси баҳор ойларигача ҳамма вилоятларда сақлаш учун умумий ҳажми 1200—1500 минг тонна картошка сиғадиган тегишли ускуналарга эга бўлган замонавий омборхоналар барпо этилиши талаб қилинади. Бир қараганда бу жуда катта ҳажмга ўхшаб кўринади. Тўғри, сўнгги йилларда Тошкент, Самарқанд вилоятларида қурилган ва умумий ҳажми 15—20 минг тонна картошка ва сабзавот сақланадиган омборларга солиштирганда катта кўринади. Аслида эса ҳар бир ноҳияга 4—5 минг тонна сақлайдиган, катта шаҳарлар атрофида 10—15 минг тонна картошка сақлайдиган омбор демакдир. Бу омборхоналар картошка билан бирга сабзавот ва бошқа маҳсулотларни сақлаш учун ҳам фойдаланилади. Ҳар хил ҳажмда маҳсулот сақлайдиган омборхоналарнинг лойиҳаси кўп йиллардан бери маълум. Эндиги вазифа эса тегишли жойларга мос келадиган тайёр лойиҳаларни барпо этишдан иборат. Ҳамма ноҳия ва шаҳарларда картошка ва сабзавот сақлайдиган омборхоналар қурилиши жумҳуриятимизнинг қишлоқ ва шаҳарларида истиқомат қилувчи 20 миллиондан ортиқ аҳолини 6—8 ой мобайнида деҳқончилик маҳсулоти билан таъминлаш имконини яратади.

Деҳқонни моддий рағбатлантириш — картошка ҳосилини оширишдаги муҳим иқтисодий ва ижтимоий омиллардан ҳисобланади. Жамоа хўжаликларида картошка етиштиришнинг кўп йиллик тажрибаси шуни кўрсатдики, агарда яна ҳозиргача бўлган аҳвол давом этса, картошка ҳосили кўпаймайди. Чунки картошкадан даромад эмас, кўпинча хўжаликлар зиён кўради. Ҳар гектардан 10—12 тоннадан олинган ҳосил уни етиштиришга сарфланган харажатни қопламайди. Айрим хўжаликлар эса гектаридан 4—5 тоннадан, баъзилари эккан уруғини ҳам қайтариб ололмайди. Шунинг учун кўп хўжаликлар мажбурий равишда 1—2 гектар ерга картошка экадилар. Олинган картошканинг бир килограммининг таннархи айрим хўжаликларда 40—50 тийиндан ҳам ошиб кетади. Умуман гектаридан 150 центнердан кам ҳосил оладиган хўжаликларда картошка етиштиришдан деярли даромад ололмайди.

Картошка ҳосилини кўпайтириш учун картошкачиликка ихтисослашган хўжаликлар ва бригадаларни кўпайтириш мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир вилоятда талабга қараб бир неча хўжалик ёки бошқа экинларни етиштиришга ихтисослашган хўжаликлардан 50-100 гектар ерга картошка экадиган бригадалар ташкил қилинса, илғор техникани ва тажрибани жорий қилиш, ҳосилдорликни ошириш, уруғчиликни тобора яхшилаш учун имкон яратилади.

Картошка етиштиришга ихтисослашган хўжаликларни ташкил қилишда тоғолди ноҳиялари қулай, табиий шароитга эга экани Ўзбекистон Компартияси ва ҳукуматимизни 1980 йил ноябрь ойидаги қарорида кўрсатилган эди. Улар Оҳангарон, Бўстонлиқ, Паркент, Калинин, Оржоникидзе, Янгийўл, Коммунистик, Ургут, Булунғур, Самарқанд, Бахмал, Зомин, Жиззах, Янгиқўрғон, Косонсой, Чуст, Китоб, Шаҳрисабз, Ховос, Бойсун, Сариосиё, Риштон, Фарғона; Қўрғонтепа, Жалолқудуқ, Нукус ва Шуманай ноҳияларидан иборат.

Кўп йиллардан бери ерни ижарага олиб картошка етиштираётган деҳқонларнинг тажрибаси кўрсатишича, энг самарали йўл ерни ижарага беришдир. Ижара ерларидан 25-30 тоннадан ҳосил олаётган деҳқонларни Тошкент атрофи хўжаликларида кўплаб учратиш мумкин. Картошка етиштирувчи хўжаликлар, бригадалар хўжалик ёки ижара пудратига ўтказилса, ҳосилдорлик ошиб, моддий рағбатланиш юксалиши, бинобарин, деҳқонларнинг ижтимоий ҳаётини яхшилаш учун шароит яратилади.

Юқорида кўрсатилган картошка ҳосилини кўпайтиришга қаратилган иқтисодий-географик муаммоларнинг амалга ошиши учун бир неча йиллар талаб этилади. Жумҳуриятимизда пахта майдони камайгани билан картошка экиладиган ерлар бирдан кенгайтирилиши қийин.

Ўзбекистон жумҳурияти ташкил топганига 66 йил бўлди. Шу даврда суғориладиган ерлар деярли уч марта ошиб, 4,1 миллион гектарга етганига қарамай энг асосий овқат маҳсулотларидан картошканинг экиладиган майдони энди 30 минг гектарга етди. Бинобарин, жумҳуриятимизда картошкачиликка эътибор шундай орқада экан, яқин йилларда унинг майдони кенгайиб, ҳосили ошиб-тошиб кетади, деб хулоса чиқаришга асос йўқ. Агарда ҳар йилига 5 минг гектардан кенгайтирилганда ҳам талаб даражасидагига етказиш учун яна 10 йил керак. Бу сўзлардан шундай хулоса келиб чиқади: Иттифоқнинг бошқа жумҳуриятларидан картошка келтириш ҳали кўп йиллар давом этади.

Сўнгги йилларда келтирилаётгани билан жумҳуриятимизда етиштирилаётган картошканинг ҳажми 600 минг тонна атрофида. Агар чириганларни ҳисобга олсак 400-450 минг тоннадан ошмайди. Яна шуниси ачинарлики, жумҳуриятимизга етиштирилган эртаги картошканинг бир қисмини арзон нархда 10 минг тонналаб умумиттифоқ фондига юборилади. Тиббиёт нормасига биноан талаб эса 20 миллион халқимиз учун 1280 минг тонна.

Иттифоқимизда ҳар йили жон бошига 100 килограммдан ортиқ картошка истеъмол қилинади. 1988 йилда эса 98 килограммга тўғри келди. Иттифоқдаги жон бошига ҳисоблаганда Ўзбекистон аҳолиси ҳам киради. Бинобарин, жумҳуриятимиз аҳолиси ҳам 98 килограмм картошка еганлар қаторига киради. Аслида-чи, Ўзбекистон аҳолиси 1988 йилда жон бошига 24 килограммдан картошка истеъмол қилган. Демак, Ўзбекистон аҳолисини ҳар бирига тегишли 74 килограмм картошкани Иттифоқимиздаги бошқа жумҳурият халқлари ўзига тегишли 98 килограмм устига қўшиб истеъмол қилган. Бу ахир адолатдан эмас-ку?

Агар 20 миллион аҳоли ризқрўзини қўшиб ҳисобласак, 1480 минг тонна картошкадан иборат бўлади.

Бизга айтишлари мумкин — сизларда тиббий нормаси кам (63,9 килограмм) деб. Бунга ҳам рози бўлайлик. Агарда шу ҳақиқат бўлса, Ўзбекистонга йилига 300 минг тонна эмас, 1 миллион тоннача картошка келтирилиши мақсадга мувофиқдир. Бу ҳақиқатни ҳисобга олиб жумҳуриятимиз мутасадди раҳбарлари, партия ва совет раҳбар ташкилотлари, халқ депутатлари Иттифоқ ҳукумати олдига масалани жиддийроқ қилиб қўйишгани ва келтириладиган картошка миқдорини оширишгани маъқул. Келтириладиган картошка миқдорини кўпайтирилиши ва уни етиштиришни жумҳуриятимизда йилдан йилга оширилиши халқимизнинг иккинчи нони бўлмиш картошкани йил бўйи тўйиб истеъмол қилишга имкон яратади.

Картошка етиштиришнинг самарасини ошириш жумҳуриятимизда картошкачиликни илмий асосда ташкил қилишни тақозо қилади. Шунга кўра Ўзбекистонда фақат **картошкачиликка ихтисослашган илмий тадқиқот институти ташкил** қилинса яхши бўлур эди. Хўжалик ҳисобида илмий ва амалий иш олиб борадиган бу институтни уруғларни синаш, танлаш ва янги навларини яратиш учун картошка етиштирадиган катта ҳажмдаги ерга эга бўлиши керак. Институтнинг филиаллари Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё, Хоразм вилоятларида ташкил қилинса, картошка етиштириш янада самарали бўлур эди. Бу филиаллар ўзларига тегишли деҳқончилик ерларида маҳаллий иқлим ва тупроқ шароитларига мослашган картошка навларини етиштириш, синаш, саралаб хўжаликларга ва ижарачи деҳқонларга тарқатиш билан шуғулланадилар. Натижада бир неча йил мобайнида жумҳуриятимизда картошка етиштирадиган ҳамма хўжаликларни сифатли уруғ билан таъминлаш имконияти яратилади.

Зиёвуддин АКРОМОВ,
УзССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, география фанлари доктори, профессор.

Офицер бўлишини истайман!

Қўрғонтепа ноҳиясидаги 13-мактабда бошланғич ҳарбий тайёргарлик машғулотларидан бири одатдан ташқари ўтди. Темир йўл қўшинлари Ленинград олий ҳарбий билим юртининг курсанти Баҳодир Хўжамбердиев дарсда меҳмон бўлди. Унинг ўзи ана шу мактабни битирган. Ленинградда у биринчи имтиҳон сессиясини аъло баҳоларга топшириб, юртига қисқа муддатли таътилга келди. Маҳаллий ёшлар бултур ёзда ҳали мактаб ўқувчиси бўлган Баҳодирдаги ўзгаришларни дарҳол сезишди. Курсантнинг ҳарбий либоси ўзига жуда ярашган эди. Унинг ўзи эса яна ҳам барваста, хушмуомала ва дилкаш бўлиб қолган.

Баҳодир/36-автокорхонанинг механиги Қаҳрамон Хўжамбердиев билан муаллима Муқаддам Темироваларнинг оиласида ўсиб вояга етди. Бугун эса ота-оналари тўнғич ўғилларининг дарсига келишди. Улар юқори синф ўқувчиларига курсант ҳақида гапириб беришди. Унинг қисқагина таржимаи ҳоли ўнлаб бошқа тенгдошларининг тақдирига жуда ўхшайди. Бошқа болалар сингари у ҳам техника ишқибози эди, спорт билан шуғулланарди. Аммо ўқишда ҳам орқада қолмас, танлаган касби яхшигина билим талаб қилишини тушунарди. Унинг бобоси Улуғ Ватан урушининг бошидан охиригача жанг қилиб, Берлингача борган. Баҳодир ўз бобосининг жанговар ишини давом эттириш мақсадида офицер бўлишга аҳд қилди.

— Офицерлик — қаҳрамонона касб, лекин бунда ташаббускорлик билан ироданинг ўзи камлик қилади, чуқур билимлар ҳам бўлиши керак, — деди мактаб директори Башорат Бултурова битирувчиларга. — Агар сиз Баҳодир сингари армияга жиддий тайёрлансангиз, албатта ҳарбий билим юртига кирасиз. Мактаб педагоглари эса аниқ фанларни ва рус тилини ўрганишда, ҳарбий ва жисмоний тайёргарликда сизга албатта кўмаклашишади.

Очиқ дарсдан сўнг курсантни саволларга кўмиб ташладилар. Мамлакат олий ҳарбий билим юртига киришни истовчилар жуда кўпайиб қолди. Уларни кўп нарсалар: қандай имтиҳонлар топширилиши ва конкурс қандай эканлиги, билим юртидаги турмуш қанақалиги ва бошқа кўпгина саволлар қизиқтирарди.

У. САКСОНБОЕВ,
Андижон вилояти.
(ЎзТАГ).

Бепоён менинг Ватаним



ТАРИХИЙ-БАДИИЙ МУЗЕЙ

УКРАИНА ССР. Харьков вилоятининг Краснокут ноҳиясидаги Пархомовко қишлоғи марказида тарихий-бадиий музей жойлашган. Унга тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик асарлари, иконалар, китоблар, қадимий танга ва сопол идишлар қўйилган. Қизиғи шундаки, 4 мингга яқин ажойиб бу экспонатлар катта йўлдан ичкаридаги оддийгина қишлоқда турибди. Бунинг боиси нима-да?

Ташаббусни қишлоқ мактаби ўқитувчиси А. Ф. Лунев бошлаган эди. 1955 йили у одамларга овоза қилиб, ноёб санъат асарларини йиға бошлади. Ҳамқишлоқлари, ўқувчилари бу борада унга яқиндан ёрдам бердилар.

Бундан ташқари музейнинг экспонатларини янада бойитишда А. С. Пушкин номли тасвирий санъат музейи Эрмитаж ходимлари ҳам яқиндан ёрдам беришди.

СУРАТДА: гўзаллик билан учрашув (чапда) В. Боровиковскийнинг «Қиз» портрети.

В. ФАЛИН сурати олган.
(ТАСС суратлавҳаси.)



«Хоразм ҳақиқати»—70 ёшда

Воҳа қаламкашлари дорилфунуни

ХОРАЗМДАГИ тўнғич матбуотнинг қутлуғ ва машаққатли йўли воҳанинг ижтимоий-маданий ҳаёти билан чамбарчас боғлангандир. Яна йиллар ўтгани сайин бу йўл тағинда сайқаллашади, қадр ва киммат топади, келгуси қаламкашлар авлоди учун ўзига хос дорилфунун бўлиб қолади. Бунга ҳеч шубҳа йўқ.

1920 йилнинг 2 февралида ғалаба қозонган Хоразм халқ инқилобидан кейин кўп ўтмай воҳа ҳаётида яна бир қувончли воқеа содир бўлди. 8 март куни литография усулида чоп этилган Хоразмнинг қалдирғоч рўзномаси «Инқилоб қуёши» пайдо бўлди.

Янги рўзноманинг — Хоразм Халқ республикаси ҳукумати органи бўлган «Инқилоб қуёши»нинг чоп этилишини афгор омма зўр хурсандчилик билан кутиб олди. Газетанинг дастлабки сонлари ҳафтада бир марта 300-400 нусхадагина тарқатилди. Шундай қилиб бундан роппа-роса 70 йил муқаддам хонлик, истибдод остида эзилган илм-маърифатга ташна ўлкада даврий матбуотга асос солинди. Бу йиллар мобайнида рўзнома талабчан ҳаётнинг катта ва жиддий имтиҳонидан ўтди, қудратли ва забардаст ғоявий қуролга айланди. У ўзининг коллектив тарғиботчилик, ташвиқотчилик ва ташкилотчилик ролини ўташга садоқатли бўлиб қолди.

«Инқилоб қуёши» ўзи тарқиб топган дастлабки кунларданоқ давр билан, ҳаёт билан бирга нафас ола бошлади. Унинг тарихи Хоразмда Коммунистик партия сафларини жипслаштириш, Советлар ҳокимиятини мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғланган. У янги тузум афзалликларини мадҳ этиш, меҳнат аҳлини социалистик жамиятга меҳр-муҳаббат, ватанпарварлик ва байналмилаллик ғоялари руҳида тарбиялашда инқилобнинг оташин куйчиси, жанговар минбари бўлди.

Дастлабки инқилобий ишлар рўзномамиз учун етакчи мавзу эди. Чунончи, биринчи сондаги барча саҳифалар Улуғ Октябрь инқилоби таъсири, буюк рус пролетариатининг беминнат ёрдами ва яқиндан қўллаб-қувватлаши билан Хоразмда тантана қилган халқ инқилобига бағишланди.

1920 йил 28 майда Хоразм Коммунистик партиясининг I Бутунхоразм конференцияси партиянинг расмий матбуот органи ташкил этишга қарор қилди. Шу кундан эътиборан «Инқилоб қуёши» Хоразм Компартияси Марказқўми органи бўлиб чиқа бошлади. Миллий чегараланишдан кейин, яъни 1924 йилнинг ноябрь ойидан рўзнома Хоразм вилоят партия қўмитаси, вилоят ижроия қўмитаси, вилоят касаба союзлари ва ёшлар қўмиталарининг органига айлантирилди. 1926 йил ўрталарида Хоразм мавзе бўлган чоғда, у Хоразм мавзе партия қўмитаси ва ижроия қўмитаси, касаба союзлари мавзе Совети ва ёшлар қўмитасининг органи сифатида чоп этилди.

Рўзнома ўткир сўзи, ҳозиржавоб чиқишлари билан буржуа миллатчиларига, бой ва муштумзўрларга, коллективлаштириш ва хотин-қизлар озодлиги муҳолифларига қарши қаттиқ ва муросасиз курашди. Афгор оммани янги ҳаёт қуриш сари илҳомлантирди. У воҳада Совет ҳокимиятини қарор топтириш ва мустаҳкамлаш, ўлкани социалистик қайта қуриш, саноатнинг илк шохобчаларини барпо қилиш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, маданий инқилобни амалга оширишиш ишида зўр фидойилик, катта жонкуярлик кўрсатди. Хоразмда жамоа хўжалиги тузуми даврида катта ер эгалари билан камбағал деҳқонлар ўртасидаги синфий кураш кескин тус олган зиддиятли вазиятда ҳам ўз зиммасига юкланган вазифани ҳалол бажарди. Бу даврда ишчи ва деҳқон мухбирлари рўзнома атрофида кўплаб уюшган эдилар. Уларнинг коллективлаштиришнинг боришига доир хабарлари тез-тез босиларди. Ўз мавқеидан ажралиш хавфи остида қолган синфий душманлар қишлоқ мухбирларига қарши турли ёвузликлардан ҳам қайтмадилар. Гурлан ноҳиясидаги Боғолон қишлоқ Советининг котиби, фаол мухбир Матёқуб Ўрозов муштумзўрларнинг кирдикорларини очиб ташлагани учун қора гуруҳлар томонидан ваҳшийларча ўлдирилди. Газетага чорак аср муҳаррирлик қилган истеъдодли журналист, шоир ва драматург Эгам Раҳимнинг «Қалб нидоси» достони ана шу жасур мухбир хотирасига бағишланган. Худди шунингдек шовотлик сайёр мухбир муаллим Шербобо Абдуллаев ҳам босмачилар ўқидан ҳалок бўлди.

Душманларнинг бундай ёвузликлари мухбирларни сира чўчита олмади. Чунки рўзнома саҳифаларида жиноятлар фош этилди. Шариф Оллаёров, Матёқуб Бобожонов, Умар Қурбоний ва ҳозир ҳам чарчамас қалам соҳиби Маткарим Худойберганов каби ўт-олов мухбирлар ўша йиллари сафга келиб қўшилдилар.

Рўзнома солномасига нигоҳ ташлашни давом эттирар эканмиз, унинг чинакам ҳаёт зарвараги, тиниқ кўзгуси эканлигига, партиянинг рўзномамиз ҳақида кундалик ва доимий ғамхўрлиги уфуриб турганлигига гувоҳ бўламиз. «Инқилоб қуёши» 1928 йил июнь ойининг охиригача Хива шаҳрида босилди, 1928 йил I июлидан эса Урганч шаҳрида чиқиб турди. У 1929 йил 3 августидан буён янгиланган номда — «Хоразм ҳақиқати» номи билан чоп этилмоқда. Рўзномага турли йилларда Бекжон Раҳмон, Али Муллаёров, Афзал Тагиров, Карим Болтаев, Жуманиёз Қалантаров, Қурбон Берегин, Шариф Булатов, Машариф Ниёзов, Раҳмат Мажиддий, Саъдулла Ўрозов, Рўзимат Қўчқоров, Отахон Тошхўжаев, Лутфулла Ҳамроев, Эгам Раҳим, Эркин Самандаров сингари билимдон, ташкилотчи, тажрибали партия ходимлари, талантли журналист ва ёзувчилар муҳаррирлик қилдилар. Ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир босқичи, марраси ва жабҳаси инсонлар олдига, оммавий ахборот воситалари олдига янги вазифаларни қўйди. Бу эса ўз навбатида маҳоратни оширишни, ҳаёт талабига мос иш услуб ва шаклларини излаб топишни талаб этди.

Жамиятни қайта қуриш, янгиланиш ва покланиш шароитида рўзнома таҳрир ҳайъати ҳамда ижодий коллективда олиб бораётган фаолият ҳақида ҳам изҳор этиш жоиздир. Бундан икки йил олдин халқ таълими ва қурилиш бўйича алоҳида шарҳловчилар, назорат, реклама ва эълонлар бўлими ишлай бошлади. Бу эса таълим-тарбия ҳамда уй-жой қурилиш муаммоларини чуқур ва яхшироқ ёритиш, аввал босилган танқидий материалларнинг таъсирчанлигини ошириш имконини берди.

Хусусан мактаб ислоҳоти ва мактаблар қурилиши, «Уй-жой 2000» комплекс программаси газета назорати остига олинди. Мактаблар ва уй-жойлар қурилишидаги ижобий жиҳатлар ўз маврудида кўрсатиб борилмоқда, катта ва хайрли ишга тўсиқ бўлаётган сабаблар очиб ташланмоқда. Мактаблар ва турар-жойлар қурилишларининг миқёслари кенгаяётганлигида, бинокорлик материаллари савдоси кучаяётганлигида чиқишларимиз акс-садоси намоён бўлаётир.

Ер, экология, инсон — бугуннинг долзарб мавзулари ҳисобланади. Эндиликда «Табиат тақдири — инсон тақдири», «Конкурс: янги боғлар барпо этамиз», «Тоза сув ичмоқ учун» ойна сўзлари остидаги мақолалар ва саҳифалар тез-тез кўзга ташланадиган бўлиб қолди. Уларнинг ўқувчилари ҳам, муаллифлари ҳам кўпайди. 1988 йилнинг 9 февралида босилган «Хоразмда қўриқхона ташкил этиш керак. Унинг ўрни Амударёнинг Чолиш зонаси» сарлавҳали редакцион мақола барча хоразмликларнинг, партия, совет, хўжалик органларининг назарига тушди. Бу олижаноб ишга хайрихоҳлик билдирилган жуда кўп хатлар олинди.

«Хоразм боғлари довруғини тиклайлик!» сарлавҳали мурожаатнома босилиб чиққанига ҳам икки йил бўляпти. Бу ташаббус амалий иш билан мустаҳкамланаётгани бизни хурсанд қилмоқда. Камида 50 гектар боғ барпо этиш йўлида хўжаликларда авж олиб кетган иш бугунги кунда «Конкурс: янги боғлар ташкил этамиз» ойнасўзи остида мунтазам бериляпти. Шу давр мобайнида асос солинган Навоий, Огаҳий, Аваз ва бошқа боғлар ҳақида саҳифалар орқали мароқ билан ҳикоя қилинди.

«Қизлар клуби»нинг телефондаги мулоқотлари, «Мишмишлар ва ҳақиқат», «Хива — Хоразм қорачиғи», «Навоий сабоқлари», «Кўнгил ойнаси», «Хат, ҳаёт, шарҳ», «Она тилимизни ўрганамиз» сингари ранг-баранг ойнасўзлар ҳам қайта қуриш тақозоси туфайли юзага келган чиқишларимиз сирасидандир.

Янгича талаблар асосида фаолиятни қайта қуриш мунтасил давом этадиган жараёндир. Демократия ва ошкоралик шароитида воқеаларга муносабатда, ҳаётда қусур ва нуқсонларни баҳолашда хилма-хил қарашлар бўлиши табиий. Худди шунинг учун ҳам сўнгги вақтларда муштарийларнинг у ёки бу масалага муносабат билдирилган, талаблар қўйилган ижобий ва танқидий йўналишдаги хатлари кўпроқ ва гоҳида таҳрирсиз ёритила бошланди. Айни чоғда у ёки бу масалада муносабатни ойдинлаштиришда рўзнома ўзининг қатъий позициясини изҳор этишни унутаётгани йўқ.

Ҳеч шубҳа йўқки, «Хоразм ҳақиқати» қаламкашлари рўзноманинг ҳаёт синовидан ўтган анъанасига содиқ бўлиб қолган ҳолда ҳамиша халқ иши ва манфаатларига, юксак идеалларга содиқ бўлиб қолади!

К. ҚУРБОНОВ,
«Хоразм ҳақиқати» муҳаррири вазифасини бажарувчи.

РЕДАКЦИЯДАН: «Ёш ленинчи» рўзномаси коллективи «Хоразм ҳақиқати» рўзномаси ҳамкасбаларини 70 йиллик қутлуғ байрам билан сидқидилдан муборакбод этади ва уларга бундан кейинги фаолиятларида янгидан-янги муваффақиятларга эришишларини тилайди.

Мавзуга қайтиб

Темир дашқоллар

Жамоатчи мухбир мақола ёзди. Афғон тупроғида ҳалок бўлган йигитнинг оиласи тўғрисида. Мақолага «Дардингизни олайин» деб сарлавҳа қўйди. Унинг истаги: ўғлидан айрилган ота-она дардларига малҳам бўлиш эди. Аксинча бўлди. Мақола маъмурий аппаратга ёқмади. Айниқса, ҳарбийларга. Тўғри, афғончилар ҳақида кўплаб ёзиляпти. Адолатсиз урушнинг бегуноҳ қурбонлари хотирасини шу тариқа тириклар кўнглига соламиз, калтабин сиёсатдонларнинг машъум хатоси яна такрорланмасин, деб бонг ураяпмиз. Бундай чиқишлардан норози бўлаётганлар талайгина. Ўғлидан айрилган ота-оналарга маънавий, иқтисодий ёрдам қўлини чўзишда масъулиятсизлик, тошбағирлик қилаётганларга тегишли бу гап. Шарқия Эшчонованинг рўзномамизнинг ўтган йил 14 октябрдаги мақоласи тақдири ҳам шундай бўлди...

Жавоб хатидан айрим парчалар келтирамиз:

«...Фактлар тасдиқланмади. Матёқубов Илҳом ҳақиқатан ҳам 1982 йил 3 ноябрда Афғонистонда ўз хизмат бурчини бажариш даврида ҳалок бўлган. СССР Олий Совети Президиумининг 1983 йил 3 март № 8886—1 сонли фармонига асосан вафотидан сўнг «Қизил юлдуз» ордени билан мукофотланган. Орден шаҳар ҳарбий комиссари В. Аистов томонидан шахсан отаси Матёқубов Собирга 1983 йил 27 июнда топширилган. 1989 йилда «Байналмилал жангчига афғон халқидан» медали, СССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи ва «Байналмилал жангчига» нишони топширилди...»

Урганч шаҳар ижроқўмининг раиси Б. Бобожонов имзолаган хатда, шунингдек, Илҳом ўқиган мактабда ёдгорлик лавҳаси ўрнатилгани, комсомоллар, ҳарбий комиссариатдагилар, социал таъминот бўлимидаги ўртоқлар қаҳрамон жангчи оиласидан тез-тез хабар олиб туришгани, камёб озиқ-овқатлар билан таъминлаш учун дўконга бириктирилгани, жангчининг беваси З. Матназарова коммунал типдаги квартира билан таъминлангани... айтилган.

Яхши. Аммо, буларнинг бирортаси ҳам Илҳомбойнинг онаси Гулсара опа, отаси Собир акаларга таскин бўлмайдида.

Собир ака билан суҳбатлашмоқчи бўлсангиз, аввало ўғлини эсга солиб, дардини янгилашларини истамайди. Асабийроқ бўлиб қолганини тушунмоқ керак. «...Темир дашқол-пашқолларинг не керак! Ўғлимнинг ўрнини босадимi!». Гулсара опа йиғлаб кўнглини бўшатади. «Бир куни эшик қоқишди. Очсам, бир тўда одам. Орасида ҳарбий кийимдагилар ҳам бор. Юрагим орқамга тортиб кетди. Бир марта шунақа «қора ташриф» жонимни олгани етмагандек...»

Мақоладан норози бўлган шаҳар маъмурияти муаллифни топиб, жангчи хонадонига боришганидаги воқеа. Ахир ҳозирда бу оиланинг яна бир ўғлони ҳарбий хизматда. Кўнглингга нималар келмайди. Гулсара опа сал бўлмаса ўзини йўқотиб қўяй деган. Собир ака дарғазаб. Тинч қўйишларини истайди. Шундоқ ҳам катта оиланинг ташвишлари бир дунё. Кичкина ҳовлида бир этак бола. Икки ўғлини уйлантирган. Келинлар тил топиша олмайди. Гоҳ униси, гоҳ буниси норози бўлиб отасиникига кетиб қолади. Ўғилларини уйли-жойли қилай деса, қани сенга ёрдам берадиган мард? «Уй-жой-2000» дастурини Хоразмда 1990 йилда амалга оширамиз, деб катта кетганлар қани? Ахир эрта-индин ҳарбийдаги ўғли қайтса, уни ҳам уйлантириш керак. Бу ёқда неваралар кўпайиб қолган. Қайси идорага бош урма, ваъда, йўриқнома, кўрсатмаларни пеш қилишади. Қатнаб-қатнаб, ҳафсаланг пир бўлиб, қўл силтаб қўяқоласан...

Урганч шаҳар ҳарбий комиссари подполковник Е. Борисов имзолаган жавоб хати олдингисидан ошиб тушади. Айрим парчаларни келтирамиз. «...Биз тушунамиз, сўнгги пайтда олди-қочдилар ортидан қувиш, ёки шуҳратга эришиш, ёзиш қобилиятингни намоён қилиш учун худди шундай «асарлар» пайдо бўлмоқда. Аммо бизлар ҳарбий кишилармиз ва аниқ ишларга ўрганганмиз...»

(Кейин юқоридаги орден-медаллар топширилган пайт бирма-бир саналади, муаллиф шаънига етарлича гап-сўз айтилади). Бизга тегишли томони: **«Ҳа, бизда сўз эркинлиги, фикр билдириш эркинлиги мавжуд, жамиятда ошкоралик ва демократия жараёни кенг қулоч ёймоқда. Бизнинг фикримизча, ҳозирда айниқса, минглаб кишилар ўқийдиган ҳар бир сўзни ўйлаб ишлатиш керак. Кўриниб турибдики, бу мақола масъулиятсиз ишнинг оқибати ёки Мудофаа министрлиги ходимлари шаънини булғашга атайин йўналтирилган...»**

Ва комиссар мақолага раддия бериб, муаллифга чора кўришни талаб қилади...

Тўғри, айрим ўринларда муаллиф ортиқча ҳис-ҳаяжонга берилган бўлиши мумкиндир. Аммо Сизга ҳам таънали жавобингиз хусусида жиндак айтадиган сўзларимиз бор. Нотўғри, дейилган фактингиз, марҳум жангчи оиласидан ҳеч ким хабар олмади, дейилгани. Сиз орден-медаллар топширилганини эринмай санайсиз. Ахир, аскар отаси бу «темир дашқол»ларингизга зормаслигини айтаяпти-ку! Яна мақоладаги энг аянчли факт туғруқхонада фарзанд кўрганини эшитган Илҳомбой эртаси куни эрталаб хизматга кетиши керак. У илк ва ёлғиз фарзанди Рухсорини кўрмаганди. Собир ака ўғлини уч кунга (атиги уч кунга!) олиб қолишни илтимос қилади. Қайда? «Аниқ ишларга ўрганган» ҳарбийларга инсоннинг ички дунёси, орзу истагидан кўра кўпроқ режа керак. Кунора юзлаб йигитлар қора қонига бўялаётган афғон тупроғига — ўлим майдонига ўз «байналмилал бурчи»ни ўташ учун навбатдаги қурбонларни етказиб туриш керак. Яна шундай фактлардан кўз юмиб бўлмайди, афғон уруши даврида жумҳуриятимиз ҳарбий комиссариатидагилар қандай ишлагани, таъмагирлик, порахўрликдан холи бўлмагани ҳам маълум. Казо-казоларнинг болаларини «иссиққина жой»ларда хизмат қилдирган ҳам, пора эвазига пулдорларнинг болаларини афғондан олиб қолганлар ҳам бўлган-ку. Бу ҳақда неча марталаб ёзишди. Узоққа бориб ўтирмайлик, Боғот ноҳия ҳарбий комиссари Олмасов Чернобиль ҳалокати рўй берганда, ўнлаб йигитларни чақириб, «Сени «ўлим зонаси»га юбораман» деб қўрқитиб пул олгани ва айнан пора устида қўлга тушиб, қамалиб кетгани факт-ку! Ёки, **СССР халқ депутатларининг II съездида афғон урушига фатво берганларнинг номлари эълон қилинди. Адолатсиз урушнинг айбдорларидан бири — маршал Устинов ўша пайтда мудофаа нозири эди. Шунча фактни кўриб, эшитиб туриб яна арзимаган бир жумла учун муаллифни сал бўлмаса «империализм айғоқчиси»га чиқармоқчи бўласиз, ҳарбийлар шаънини ерга урганликда айблайсиз.**

«Аср виждони» академик Сахаровга ҳарбийлар қанча «ҳужум» қилишди. Инсон ҳуқуқлари учун толмас курашчи бўлган пайғамбарсифат инсонни бадном қилиш кампаниясининг тагида ҳам айнан шу — афғон уруши жабҳасида ҳарбийлар йўл қўйган жиноятлар ётибди. Ошкоралик жамиятимизнинг барча қирраларини тобора кенгроқ қамраб, ҳақиқат нурини сочаётган бир пайтда бу жараён ҳарбийлар ҳаётига жуда секинлик билан кириб бормоқда. Тўғри гап айтилган пайти жазавага тушиш, сталинча ёрлиқлар ёпиштиришга уриниш кузатиляпти. Ўртоқ Борисов, сизнинг ҳолатингиз ҳам шунга яқин. Эртага мақола ёритилгач, мени Совет Армиясининг заҳирадаги лейтенантини ҳам қандай сиёсий айбларда айблайсиз, буниси менга қоронғу...

Афғон жабрдийдаларига маънавий ёрдам борасида комсомол ходимларига айб тақашга ҳаққимиз йўқ. Моддий томондан эса... ташкилотнинг ўзи моддий ёрдамга муҳтож. Вилоят комсомол қўмитасининг бўлим мудири У. Исмоилов ва вилоят байналмилал-жангчилар кенгашининг раиси С. Абдуллаев махсус жамғарма очиб, унга маблағ йиғиш ғамида елиб-югуришаётганидан хабарим бор. Ниятлари: Илҳомбой ва унинг ота-онасига ўхшаганларга ҳарна бўлсада моддий ёрдам қўлини чўзиш. Бу нишонлар, белгилар, фахрий ёрлиқлардан кўра тузук-да...

Собир ака хонадонида бўлдик. У кўнглидаги дардларини тўкиб солди. Яшаш аҳволини айтди. Илтимоси...

«Собир ака, — унга мурожаат қилди ҳамроҳимиз С. Абдуллаев, илтимосларини эшитгач. — Ҳеч ерга борманг, идорама-идора қатнаб юрманг. Асабингизни асранг. Ўзим хабар олиб тураман. Не гапингиз бўлса менга айтинг. Жамғармамизга маблағ тушгач, ўзимиз қарашамиз. Майлими?..»

Саъдулланинг ваъдасига ишонса бўлади. Чунки у афғон урушида «қон кўрган» йигит.

Аскар онаси қисқача мазмунда шундай хат битиб берди: **«Ёш ленинчи» газетасида чиққан мақола тўғри ёзилган. Бизга сувдан бошқа ҳеч қандай ёрдам берилмади.»**

Хатни тўла келтиришга ҳожат йўқ...

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ёш ленинчи» мухбири.



ЧИЛДИРМАЛАР ТИЛГА КИРГАНДА

Чилдирманинг шўх, ўйноқи садосига мафтун бўлмаган инсон борми! Унинг оҳанглари қалбнинг энг нозик пардаларини чертиб ўтади. Дилга олов ёқади. Беихтиёр сизни рақсга чорлайди. Андижон шаҳридаги Комилжон Ҳакимов раҳбарлик қилаётган «Ўзбекистон оҳанглари» халқ ансамблининг доирачилари саҳнага чиққанда қалбимизга илиқлик югуради.

Ташкил топганига ўн йил бўлган ансамблнинг дастлабки кунларида унинг 15 нафаргина ҳаваскори бор эди холос. Лекин бундай уюшма ўша вақтларда вилоятда ягона эди. Доиранинг шўх оҳанглари унинг ихлосмандларини мафтун этмай қўймайди. Шубҳасиз, доирачилар сафи ҳам ўса борди. Эндиликда ансамблда доирачи ёшлар 150 нафарга етди.

«Ўзбекистон оҳанглари» Югославия, ГФР, Италия, Ҳиндистон, Франция каби хорижий мамлакатларда бўлиб ўзбек доираси шуҳратини оламга ёйди. У бир неча жумҳурият миқёсидаги кўрик-конкурслар совриндори, вилоят Ленин комсомоли мукофотининг лауреати. Ансамблнинг халқ ҳурматини қозонишида Олимжон Ҳакимов, Юсуфжон Юнусов, Хушнудбек Баҳромов, Фахриддин Бозоров каби доирачиларнинг ҳиссаси катта. Улар доира оҳангларининг янги «йўли»ни излашда жон куйдирмоқдалар.

Сиз кўриб турган суратда «Ўзбекистон оҳанглари»нинг йигитлари доирани тилга киритишмоқда.

А. МИРЗАЖОНОВ,
«Ёш ленинчи»нинг мухбири. Муаллиф сурати.

Спорт: энг сўнгги хабарлар

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА. Шотландия пойтахти Глазго шаҳридан хушхабар олдик. Бу ерда давом этаётган Европа қишки чемпионатида ҳамюртимиз тошкентлик Радион Гатаулин олтин медалга сазовор бўлди. У лангар чўп билан сакрашда 5 метр 80 сантиметр баландликни забт этди.

Мусобақаларда 25 мамлакат вакиллари иштирок этишаётир. 29 нафар совет спортчилари сафида Роберт Эммиян ҳам бор. Узоқ давом этган танаффусдан сўнг у яна ўзини кўрсатди. СССР терма командасига биринчи медални ана шу ветеран спортчи олиб берди. Роберт 8 метр 6 сантиметр масофага сакраб, бронза медалини қўлга киритди.

Киев вилоятининг Бровари шаҳрида олимпия резервлари спорт мактабларининг Бутуниттифоқ мусобақалари давом этмоқда. Тошкентлик А. Потоцкий узунликка сакрашда 7 метр 74 сантиметр натижа кўрсатиб, ғолиб чиқди. Унинг командадоши Е. Монстакова 800 ва 1500 метр масофаларга югуришда маррага биринчи бўлиб етиб келди.

ВОЛЕЙБОЛ. Эркаклар командалари ўртасида мамлакат чемпионатининг навбатдаги тур ўйинлари Тошкентнинг «Автомобилист» волейболчилари учун мағлубият билан тугади. Ҳамюртларимиз Минскда маҳаллий «Коммунальник» командасидан 0:3 ҳисобида енгилишди.

ФУТБОЛ. Янги мавсумнинг дастлабки учрашувлари бўлиб ўтди. Мамлакат чемпионлиги учун бўлган ўйинда «Днепр» командаси «Ротор»ни 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

СССР Кубоги чорак финал ўйинлари қуйидаги натижалар билан тугади: «Арарат» —«Динамо» (Москва) — 0:1, «Торпедо» (Москва) — «Черноморец» — 3:0.

Навбатдаги ўйинлар 19 ва 20 март кунлари ўтказилади. МАСК — «Крылья Советов» (Куйбишев), «Локомотив» (Москва) — «Торпедо», «Динамо» (Минск) — «Динамо» (Москва), «Металлист» — «Динамо» (Киев) командалари учрашувларида ярим финалчилар аниқланади.

* * *

СССР футбол Федерацияси ижроия қўмитаси ўз мажлисида янги мавсумда олий лигада 14 команда иштирок этишини тасдиқлади. Охирги ўринни олган бир команда олий лигани тарк этади. Биринчи лигада турнир жадвалида дастлабки уч ўринни эгаллаган командалар эса олий лигага йўлланма олишади.

ОНА ТИЛЛАРИДА МУТОЛАА ҚИЛИШЯПТИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР Тўрткўл ноҳиясида яшовчи туркманлар «Коммунизм ғалабаси» газетасининг навбатдаги сонида берилган тематик саҳифани ўз она тилида мутолаа қилдилар. «Орзу» деб номланган янги саҳифада филология фанлари номзоди А. Шихиевнинг миллатлараро дўстликнинг қудрати тўғрисидаги ҳикояси, «Ленин йўли» колхозининг ижарачиси Д. Омоновнинг меҳнатни ташкил қилишнинг ишлаб чиқаришга жорий этилаётган янги шакллари самарадорлиги ҳақидаги мақоласи, бошқа материаллар берилган. Ноҳия газетаси шу ерда яшовчи туркман миллатига мансуб кўп сонли аҳолининг истагини инобатга олиб, «юқоридан» рухсат ва кўрсатмалар бўлишини кутиб ўтирмай, ҳар ойда бир марта махсус саҳифа чиқара бошлашга аҳд қилди. Дастлабки шундай саҳифани тайёрлашда Туркманистон ССРнинг қўшни Тошҳовуз ноҳияси идеология ходимлари катта ёрдам қилдилар.

(ЎзТАГ).

ТВ

7 МАРТ — ЧОРШАНБА

● ЎзТВ I

11.30 География. Евроосиёнинг ҳозирги давр ландшафтлари. 12.00 «Табиатнинг бебаҳо инъоми», «Хотира шаршаралари». Телефильмлар. 12.30 Умумий биология. Биогеоценозлар ва уларни муҳофаза қилиш. 13.00 «Чинор остидаги дуэль». Бадиий фильм.

* * *

17.30 «Бир умрга тенг рақс». Ҳужжатли фильм. 18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Қўшнилар». Қўғирчоқ фильм. 18.15 «Қувноқлар даврасида». Болалар боғчалари тарбияланувчиларининг чиқиши. 18.45 «Ахборот» (рус тилида). 19.00 «Рақслар гулдастаси». Концерт. 19.30 «Ахборот». 19.55 Москва. **Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланган тантанали йиғилиш.** СССР Иттифоқи Давлат академик Большой театридан олиб кўрсатилади. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Иқбол». Қизлар конкурс программаси. 23.35 Янгиликлар. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

19.05 Болалар учун. «Звездочка» (рус тилида). 19.35 «Тақдиринг қўлингда». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»). 20.55 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Эътиқод».

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Мин киял». Бадиий-публицистик кўрсатув. 23.00 «Жоогазин». Байрам программаси.

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 «Камалак». Халқ ижодиёти телепрограммаларининг VIII Халқаро фестивали (Венгрия). 9.35 «Шарлоттанинг маржони». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 10.40 «Дунё бўйлаб». Альманах. 11.40 Кичик концерт. 11.55 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 12.55 Коллаж (реклама, эълонлар, ахборот). 13.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

16.30 «Иванушка яшаган экан». Телевизион ҳужжатли фильм. 16.55 «Ер — она масканимиз». Фотоконкурс. 17.00 Хорижий рус маданияти. «Ёзувчи Е. Максимов ҳузурида меҳмонда». 18.00 «Қўшиққа бахшида умр». РСФСР халқ артисти Александра Стрельченко. 18.40 «Омадли аёллар». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия — «Нина». 19.55 **Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланган тантанали йиғилиш.** СССР Иттифоқи Давлат академик Большой театридан олиб кўрсатилади. 21.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 22.00 «Сиз бунга қодирсиз». А. Дерябиннинг янги даволаш усули ҳақида. 22.45 «Оперетта, оперетта». 24.00 «Эфирда мусиқа».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.

Ўқув программаси.

9.15 Илмий-оммабоп фильмлар: «Мардлик соати», «Бахтиёр бўлиш санъати». 9.35, 10.35 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 11-синф. Иш юритиш ва ЭҲМ. 10.05 Немис тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 11.05 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 11.35, 12.35 Мусиқа. 5-синф. А. П. Бородин мусиқасида паҳлавонлар образи. 12.10 «Иссиқ нон». Илмий-оммабоп фильм.

13.10 Такрорий телефильмлар сеанси. «Қирқ ёшда ҳам ҳали орзу қилишади». Телевизион бадиий фильм (ГДР).

* * *

17.00 Болалар учун фильм. «Еттидан ўн иккигача» «Мосфильм»). 18.15 СССР халқлари VII қишки спартакиадаси. Конькида югуриш спорти. Киевдан кўрсатилади. 18.45 Ёшлик куйлайди ва рақсга тушади. 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 19.30 СССР Олий Совети сессияси. Танаффус пайтида (20.30) — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Қуённикида ҳовли тўйи». 22.00 «Иллюзион». «Чочара». Бадиий фильм (Италия).

ЁШ ЛЕНИНЧИ

«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана

Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ

ТЕЛЕФОНЛАР: ҚАБУЛХОНА — 32-56-58 ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65

513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ ИНДЕКС: 64607

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Р. — 03145. Д. — 23192.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.